



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 5-may № 56-57 (2938) payshanba



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Насарф билан ҳамнафас

4-5-бетлар

Қарши нафақат Ўзбекистоннинг балки, Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Утмишда бу шаҳар Навкат, Нақшаб номлари билан аталган. Қарши номи XIV асрда юзага келганлиги бизга тарихдан маълум. 2700 йиллик юбилеи муносабати билан шаҳар янгитдан қайта тикланди, қадимий обидалар таъмирланди, юсак иншоотлар қурилди, кўчалар қиёфаси тубдан ўзгарди. Кўплаб маданий-маърифий саройлар, истирожат боғлари, оромгоҳлар ва хиёбонлар бунёд этилди, тураржой биноларининг шакл-шамойили тубдан янгиланди. Бир сўз билан айтганда, шаҳар обод, ораста масканга айланди.

Маҳалла тизимида сайловлар

8-бет

Олий Мажлис Сенатининг шу йил 31 мартда ўтказилган йиғилишида қабул қилинган қарорга асосан май-июн ойларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилади. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколати икки ярим йил этиб белгиланганлиги учун бу вазифага сайланган, яъни ҳозирги кунда йиғинларга раислик қилиб турганлар билан уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати тугайди. Шу муносабат билан амалдаги қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ равишда сайлов ўтказиш тайинланган.

Бўрижарлик «Робинзон»лар

9-бет

Жиянининг сўзларини тинглаб бўлган тоғаси бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди ва йигитчанинг елкасига қоқиб деди:
— Маладес, йигит дегани шундай бўлиши керак. Дунёда ҳамма нарсани топса бўлади, лекин йўқотилган муҳаббатни топиб бўлмайди. Жиян, қўрқма, ёнингда тоғанг бор! Бир кунда ҳал қиламан, ўзим совчи бўлиб бораман. Фақат ота-онангга ҳозирча ҳеч нарса демай тур. Фақат яхшилаб дуо қил, билсанг, янганг яқинда кўзилайди. Илоҳим, ўғил бўлсин. Ушанда Содиқбой бир тўй берсин...

Жиззах томонларда

Янги темир йўл станцияси

Тошкент-Самарқанд йўналишида энг замонавий электропоезд қатновини йўлга қўйиш учун Жиззах темир йўл ҳудудида тайёргарлик кизгин кетяпти.

Испаниядан келтирилган «Talgo-205» электропоезди тармоқни янги босқичга олиб чиқади. Тошкент-Сирдарё оралигида соатига 160 километр, Сирдарёдан Жиззахга 250 км. Жиззахдан Самарқандгача 160 км. тезликда ҳаракатланиши кўзда тутилган. Бу тезорар электропоездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл четлари темир панжара, тиканли сим билан тўсиляпти. Жиззахда янги темир йўл станцияси қад ростламоқда.

Коллежда музей

Фаллаорол компьютер технологиялари касб-хунара коллежида фаолият кўрсатаётган музей ой сайин энг гавжум жойлардан бирига айланиб бормоқда.

Экспонатлар орасида қадимда ота-боболаримиз фойдаланган уй-рўзғор буюмлари, деҳқончилик, чорвачилик, хунарамандчилик, овчилик қуруллари ҳам бор. Янги экспонатлар билан бойитилган музей коллеж ёшларига тарихдан сабоқ беришда, она юрт, қишлоқ тарихини ўрганишда қўл келяпти.

Тиббий маскан

«Бахмал» қишлоқ фуқаролар йиғини марказий кўрғонда туман туғруқ марказининг филиали иш бошлади.

Бу билан туманнинг энг олис ва чекка қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатилишига имкон яратилди. Қурилиш ишларига 150 млн. сўм маблағ сарфланиб, унинг 100 млн. сўми маҳаллий бюджет, 50 млн. сўми ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилди.

Энг фаол ҳамшира

Шарбат Тошмуродова республика шошилини тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали урогинекология бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайди.

У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳамкорлигида ташкил этилган «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик» республика анжуманида қатнашди. Анжуман доирасида ўтказилган «Касбим — фахрим» фестивалида Ш.Тошмуродова «Йилнинг энг фаол ҳамшираси» номинацияси қолиби бўлди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Умрбоқий қадриятлар тимсоли

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 29 декабрда тасдиқланган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури» ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Навоий шаҳрида халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари республика фестивали бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида фестивал таассуротлари ва номоддий маданий меросни ёшлар ўртасида янада таъсирчанроқ тарғиб этишга асосий эътибор қаратилди.

— Фестивал Ўзбекистон маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамда Навоий вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди, — деди марказ директори Ўрозали Тошматов. — Икки кун давом этган тадбир байрам сайли тарзида кўриниш олиб, маданият ва истироҳат боғи ҳудудида амфитеатр ва болалар ўйингоҳида махсус қурилган очиқ сахналарда иштирокчилар дастурларини намойиш этишди.

Фестивалда халқ ижодиётининг тўққизта жанри бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда қолиб деб топилган беш юздан ортиқ қатнашчи: миллий халқ ўйинлари дастурларини намойиш этувчи гуруҳлар, дорбозлар жамоалари, анъанавий цирк санъати гуруҳлари, кўғирчоқбозлар, қизиқчилар, лапар ва ўлан, аския, оммавий ва якка ракс, шунингдек, катта ашула ижрочилари ўз маҳоратларини эл

назаридан ўтказиб олишди. Мутахассислар ва ҳакамлар ҳайъати иштирокида уларга ўз томоша дастурларини намойиш этишга рухсат берувчи гувоҳномалар ҳам топширилди. Қолиблар эса мутасадди ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Анжуманда мутахассислар халқ ижодиёти ва унинг жанрлари ҳақида кўпдан-кўп қизиқарли фикр-мулоҳазаларни билдиришди ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сафларнинг жипслиги — муваффақият гарови

Айни вақтда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Федерацияга аъзо ташкилотлар фаолияти чуқур таҳлил этилиб, шу асосда уларни оптималлаштириш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кеча Республика энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касба уюшмаси ҳамда Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашларининг навбатдан ташқари қурултойи бўлиб ўтди.

Делегатлар икки касба уюшмаси негизда молиявий ва ташкилий жиҳатдан кучли, ягона касба уюшмаси тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Мазкур касба уюшмаси Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси деб номланиб, унинг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

Марказий кенгаш раиси этиб Файрат Зуннунов сайланди. Шунингдек, касба уюшма устави, тафтиш комиссияси низоми тасдиқланди. Марказий кенгаш тафтиш комиссияси сайланди, бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Таъсис қурултойида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва янгидан ташкил этилган тармоқ касба уюшмаси олдида турган долзарб вазифаларга эътиборни қаратди.

Ўз мухбиримиз

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари томонидан ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Республика илмий-амалий конференциялари ташкил этиш, ёш олимлар лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Бирлашган касба уюшма кўмитаси жонбозлик кўрсатмоқда.

Тадбиркорликда акмеологик билимлар

«Пойтахт» бизнес марказининг мажлислар залида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, ЎзФА Бирлашган касба уюшма кўмитаси ҳамда Республика «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий анжуман «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда акмеологик билимларнинг роли» деб номланди.

Тадбирни ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, профессор Рустам Рўзиев олиб борди. Дастлаб Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, ЎзФА вице-президенти, академик Саидахор Филомов иштирокчиларни табриклади. Жамоат ишларида намуна кўрсатаётган фаоллардан 15 нафари рағбатлантирилди.

«Иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш жараёнида тад-

биркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусида ЎзФА Ёш олимлар кенгаши раиси, профессор С.Гулямов, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини модернизациялашда акмеологик билимларнинг роли» мавзусида Фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, доцент Г.Тиллаева, «Фермер хўжаликлари фаолиятини модернизациялашда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида Оҳангарон туманидаги «Гулчехра» фермер хўжалиги раиси Г.Пўлатованинг маърузалари тингланди. ЎзФА Материалшунослик институти катта илмий ходими, доцент Ж.Аҳадовнинг «Олис аҳоли пунктларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишда қўёш қурилмаларининг аҳамияти» мавзусидаги маърузаси ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



Кичик бизнес учун катта имконият

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш борасида амалга ошириляётган ислохотлар самарасида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Бойсун тумани «Косиблар» маҳалласидаги «Умид» кичик корхонасида тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланади. Корхонада 80 киши доимий иш билан таъминланган. Улар бўз, сочиқ, кўрпа-ёстик, чойшаб, ишчи-хизматчилар учун махсус кийимлар ишлаб чиқармоқда. Корхонада, шунингдек, касаначилик фаолияти кенг йўлга қўйилган.

Суратда: тикувчилар Дилафрўз Сафарова ва Тolib Фаффоров.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Эл саломатлиги йўлида

Бепоен кенгликларни ўз ичига олган Учқудуқ туманида аҳоли соғлигини сақлаш борасида кўпгина хайрли ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда Республика Бизнес марказида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода билан туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Эргаш Аҳмедов ўртасида умумий қиймати 100.130 АҚШ долларига тенг бўлган шартнома имзоланди. Унга кўра, яқин кунларда тиббиёт бирлашмасига Япониянинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган «Гастрофоброскоп» ва «Ультратовуш текширув» тиббий жиҳозлари келтирилади.

Ўтган йили манзилли дастур асосида Нурота туманида 16 та қишлоқ врачлик пунктининг 7 таси мукамал таъмирдан чиқарилганди. Янги йил арафасида эса олис, «Чуя» қишлоғида ҳам ана шундай қишлоқ врачлик амбулаторияси тўла қувват билан аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ҳозирда «Сентоп», «Жарма», «Папанай» ва «Қизилча» қишлоқ шифокорлари учун бирваракайига санитар транспорт машиналари ажратилиб, соҳа ишида тезкорлик таъминланди.

Феруза РАҲИМОВА

Бош келишувни ўқиб...

Инсон омилига эътибор

Энди касабани уюшмаларида Республика Хукумати ҳамда иш берувчиларнинг бирлашмалари билан бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий

масалалар ҳусусида келишиб, фаолият юритишнинг умумий принципларини белгилаб берувчи норматив ҳужжат бор.

Мазкур ҳужжатда тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат бозорини янада ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш масалалари ўз устуворлигини сақлаб қолгани бизни хушнуд этди. Шунингдек, энг оғриқли нуқталаримиздан бири, бу — корхона,

Муқаддам ижтимоий шерикларда жамоа келишувларига ёндашувнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги туфайли «Бош келишув, тармоқ (тариф) келишувлари, ҳудудий (минтақавий) келишувлар-жамоа шартномалари» тизимида пастдан юқоригача ўзаро боғлиқлик йўқ эди.

Айнан шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамаси, Республика касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош Келишувнинг имзоланиши ҳақиқатдан касабани уюшмалари ҳаётида муҳим воқеа бўлди.


ташкilot ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш эди. Бош Келишувнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, унда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилганидир.

Қувончли жиҳати, эндиликда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда самарали фаолият юритишлари учун шароит

яратиб берилиши жамоа шартномалари ва келишувларида акс эттирилиши учун жамоат назорати таъминландиган бўлди.

Бош келишувнинг имзоланиши бизга янада катта масъулият юклашини эътиборга олиб, ўз сафига 173040 нафар аъзони бирлаштирган кенгашимиз биринчи галда бошлангич ташкilotларга жамоа шартномаларини қайта тузиш бўйича услубий ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳамидулла МАТИСАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси
Андижон вилоят кенгаши
раиси ўринбосари



Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатларининг кўчат экиш ҳақидаги хайрли ташаббуси юртимизнинг

барча гўшасида мамнуният билан кутиб олинди ва бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди.

Жумладан, вилоятимизда 498,1 гектар майдонда янги мевали боғлар барпо этиш режалаштирилгани ҳолда, амалда бу кўрсаткич 514,6 гектар майдонни ташкил этди. Боғларга 4,9 минг дона данакли ва 172,9 минг дона уруғлик кўчатлар экилди. Натижада, 349 нафар фуқаро меҳнат шартномаси асосида янги иш ўринларига эга бўлди. Кези келганда, савобли ишда тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 203,6 млн. сўм маблағ сарфланганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ташаббус сабаб

янги иш ўринлари барпо этилди

Юртимизни боғ-роғларга айлантиришдек ибратли ташаббусда фермер хўжаликлари ҳамда йирик саноат корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, 587,5 гектар майдонда боғлар қайтадан ташкил этилиб, унинг 577,5 гектарига олма ва 10,0 гектарига беҳи кўчатлари экилди ҳамда 196 та янги иш ўринлари яратилди.

55,6 гектар майдондаги тоқзорларнинг қайта экилиши натижасида кўшимча 30 та иш ўрнига асос солинди.

Йирик корхоналар томонидан эса 191,0 гектар майдонда янги боғлар ташкил этилди. Айниқса, «Ўзпахтасаноат», «ЕҒ-мой саноати», «Ўздонмахсулотлари», «Ўзбекэнерго», Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари тизими ҳамда минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш шохобчалари хайрли ишга катта ҳисса қўшдилар.

Биргина Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимидаги «Оқолтин тола» терминалида 10,0 гектар майдонда интенсив ва томчилаб суғориш усули билан янги мевали боғ ташкил этилиб, 7 киши иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, 31 гектар майдонда янги тоқзорларнинг вужудга келиши 17 кишининг доимий иш ўрнига эга бўлишига замин яратди.

Вилоятда экин майдонлари, боғ ва тоқзорлар кенгайтирилганлиги сабабли ҳашаротларга қарши ишлов бериш, экилган кўчатларнинг бозарар улғайишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қ.ЭШНАЗАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси

Ютуқлар ўзимизники...

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишни ҳам тақозо этади.

Жамоат ташкилотимизнинг ишловчилар ҳақ-хуқуқи ҳимоячиси сифатида тан олинмишида бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Бунинг учун, энг аввало, бошлангич ташкilotлар етакчилари учун ўқув-семинарлар ташкил этилаётган. Йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тубдан яхшилаш чораларини биргаликда излаётимиз. Бугунги кунда кўмитамизга бирлашган 43 та бошлангич ташкilot ўз сафига 2878 нафар аъзони жипслаштирган бўлиб, ўзаро яқин ҳамкорлик келажагимиз ворислари таълим-тарбияси учун яхши самара бераётган.

Таълим ва фан ходимлари ўртасида «Устоз-шогирд» аъналари катта аҳамият берилмоқда. Ўтган йили 19 нафар фаол ва жонқуяр ўқитувчига 57 нафар ёш ходим бириктирилган эди. Жорий йил бу аънанага алоҳида аҳамият берилди. Туман халқ таълими бўлимнинг хати асосида 43 нафар изланувчан, етуқ билим ва маҳоратга эга ўқитувчи 129 нафар шогирдни касб сирларидан воқиф этмоқда.

Ютуқлар қанчалик салмоқли бўлмасин, олдинда қилинадиган ишлар бир талай. Барча бошлангич ташкilotлар иш юритувини жонлантириш, ходимлар талабига мос фаолият олиб бориш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Раъно ИСМАТОВА,

Таълим ва фан ходимлари Навбахор тумани бирлашган касабани уюшма кўмитаси раиси

Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни алоҳида эътибор билан нишонланади. Зеро, ўтганларни ёд этиш, тирикларнинг қадрига етиш, кексаларни асраб-авайлаш, уларга меҳр кўрсатиш ўзбекнинг асрий аъналариқандир.

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши томонидан ўтказилган тадбир қадриятларнинг ёрқин ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Унда тармоқ тизимида кўп йиллар самарали меҳнат қилган касабани уюшма фаоллари, таълим равнақига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари ҳамда байналмилалчи жангчилардан 150 нафари иштирок этди. Улар пойтахтимиздаги Хотира хийбонида бўлишиб, ўтганларни яна бир қарра ёдга олишди.

Ўтганлар ёди муқаддас

— Туғилган вақтим уруш тугаган пайтга тўғри келган, — дейди Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқитувчиси Муаззам Комилжонов. — Бу ерга тез-тез келиб, яқинларим билан ғойибона дийдорлашаман. Назаримда улар бугунги доруломон кунларни кўриб тургандек. Тинчлик улугъ неъмат, шу боис, юртимиз озодлиги ва ободлигини сўраб ҳамиша дуодамиз...

Таълим фидойилари, шунингдек, «Зарафшон» концерт залида иқтидорли ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар томонидан тайёрланган кўнгилочар дастурларни томоша қилишди. Уларга касабани уюшмаларининг қимматбахо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Малика СУЮНОВА

Хотира — азиз



Яхшидан ном қолади

Ўз умрини темирйўлимиз равнақига бағишлаган кўқонлик Эркин Маҳмудов табаррук инсонлардан эди. Ҳамиша юз-кўзидан нур ёғилиб, ҳамсухбатини очик чеҳра, ажиб бир такаллуф ва самимий манзират билан кутиб оларди. Эркин акани, айниқса, водий темирйўлчилари яхши билади. Тошкентда ҳам шогирдлари кўп. Уни билганлар «роса темир йўлга хизмати сингган, ўз соҳасининг фидойиси эди», деб эслайди...

...Ёш Эркинжон уйлари яқин бўлганиданми, вокзалга кўп келарди. Балки темирйўлчиликка меҳр ўшанда туғилгандир. Шунданми, мактабни тугатгач,

Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтига ўқишга кирди. Институтни 1957 йилда тугатиб, Кўқонга қайтди ва бир неча бекатларда турли вазифа-

ларда ишлади, бекатларни бошқарди. Кейинчалик йўриқчи-тафтишчи бўлди.

«Меҳнат қилган элда азиз!», дейишади. Хали ёш бўлса-да, темирйўл-

га жон куйдириб меҳнат қилаётганини кўрган ўша вақтдаги темирйўл бош-

ласидан сўнг турли томондан пойтахтга оқиб келаётган ёрдамчи

этанг ва муносиб ҳисса қўшган Эркин Маҳмудов, айниқса, «Фахрий темирйўлчи» кўкрак нишонини жуда қадрларди.

Унинг бир гапи эсимдан чиқмайди:

— Юртимизда қурилган «Навоий-Учқудуқ-Мискин-Нукус», «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» янги темирйўллар ҳақида эшитиб қувончмандим ичимга сизга сизга. Илгари бундай катта қурилишлар фақат Москва-нинг руҳсати билан қилинар эди. Мустақиллик шарофати билан буларга барҳам берилди. Улуғ мақсадлари ҳамиша амалга ошаверсин! Эскидан бир гап бор: «Йўл қурган етар муродга!»

Адҳам ДАМИНОВ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг энг кўп ўқувчилари Қашқадарё вилоятида, десак асло муболага бўлмайди. Ҳар йили обуна мавсумида ўзига хос фаоллик, етакчилик бу воҳа обуначиларида кузатилади. Муштарийлардан тахририятга борадиган мактублар, турли ижод намуналари салмоғи ва кўлами ҳам кенг. Воҳанинг ҳар бир тумани, наинки тумани, балки қишлоғи ўзининг тақдорларини томонлари, урф-одатлари-ю, анъаналарига эга. Қашқадарёнинг иссиқ чўлларида улкан меҳнат чўққиларини забт этаётган матонатли газчилар, осмонўпар пахта хирмонлари кўтарётган уста деҳқонлар, мазали гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириб бераётган чорвадорлар чўпонлар, тоғларда минг хил гиёҳ ила сирли суҳбатлар қуриб, тошлар устида оҳудек юриб, зилол чашмалардан тўйгунча ичиб, шарқироқ сойлардан кўркмасдан кечиб, бир чиройига ўн чирой қўшилган, таърифига дostonлар ўқилган бетимсол гўзаллар, елкаси ер кўрмаган Алпомишкелбат паҳлавонлар, Ватан орини елкасига олган мард ўғлонлар... буларнинг бари чексиз ва бепоён Қашқадарёнинг оддийгина чизгиси, юрт олдидаги кўзгуси...

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанддан бошланиб Қашқадарё ҳудудида яна ҳам кенгайган ва равонлашган катта Ўзбекистон трактининг икки томони бора-боргунча яшилликка бурканган боғ-роғлар, униб чиққан гўза ниҳоллари аскардек тизилган пахта далалари, бепоён бугдойзорлар утлоқлари билан ястанган ям-яшил қирлар бизни неча-неча асрлар давомида қим қанча воқеа ва ҳодисаларга гувоҳ бўлган эски Қашқадарё кўпригига кузатиб борди. Ундан ўтишингиз ҳамон беихтиёр XXI аср нафаси билан яшаётган ва ишлаётган янги шаҳар сизни ўз бағрига олади.

Аслида Қарши нафақат Ўзбекистоннинг балки, Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Утмишда бу шаҳар Навкат, Нақшаб номлари билан аталган. Қарши номи XIV асрда юзага келганлиги бизга тарихдан маълум. 2700 йиллик юбилеи муносабати билан шаҳар янгитдан қайта тикланди, қадимий обидалар таъмирланди, юксак иншоотлар қурилди, кўчалар қиёфаси тубдан ўзгарди. Кўлаб маданий-маърифий саройлар, истироҳат боғлари, оромгоҳлар ва хиёбонлар бунёд этилди, тураржой биноларининг шакл-шамойили тубдан янгиланди. Бир сўз билан айтганда, шаҳар обод, ораста масканга айланди.

Бетақдор манзаралар, бири-биридан кўркам, замонавий қиёфа касб этган чиройли ўйлар шаҳарни янада гўзаллаштиргани ҳам бор гап. Айниқса, йўлларнинг атрофларида турли манзарали ва мевали даракларнинг тартиб билан экилгани, ҳатто турфа рангдаги гулларнинг чор-атрофга майин ифор таратиб туриши ҳар қандай кишининг кайфиятига ўзгача мамнунлик бахш этади.

Бугунги кунда шаҳарнинг худудий майдони қарийб етти ярим минг гектарни ташкил этиб, унда олтидан зиёд маҳалла, ҳар бир маҳаллада ўндан ортиқ кўча, гузар, хиёбонлар мавжуд. Шаҳар худудидаги бозорлар Қашқадарёга хос тўкинчилик, бағрикенглик ва тадбиркорликнинг рамзига айланган. Шаҳардаги «Марказий», «Геолог», «Насаф» стадионларида Қашқадарёнинг «Насаф» футбол жамоасининг асосий ва ўринбосарлар таркиби, «Севинч» аёллар профессионал футбол клуби уй учрашувларини ўтказди.

Қарши шаҳри марказидаги «Геолог» санаторий-профилакторийси сўлимлиги ва орасталиги билан баҳри-дилнинг очади. Шифокорлар дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, саломатликларини тиклаши учун тунукун махсус тартиб асосида хизматда.

— Бугун 14 кунлик дам олиш муолажаларим тугади, — деди биз билан суҳбатда Косон тумани Пўлати қишлоғидан келган замондошимиз Тошпўлат Сиддиқов. — Боз шифокор Абдурахмон Яхшиев, даволовчи врач Шаҳноза Ҳайитова ҳамда кўли энгил ҳамширалар меҳри, эътибори ва муолажалари эвазига

Насаф билан

бугун хурсанд, тетик ва бардам ҳолатда уйга қайтмоқдаман. Асабим таранг эди, анча толиққандим. Нинатерапия, физиотерапия, «парафин» муолажаларини олдим, массаж ҳам жуда фойдали бўлди. Дам олувчи учун биринчи навбатда яхши муомала, эътибор, тинчлик ва баҳаво табиат зарур. Буларнинг барчаси «Геолог» санаторий-профилакторийсида мужассам экан. Маданий-маърифий тадбирлар мунтазам бўлиб турди, омаклар ҳам яхши. Бу ер бошқа сикатгоҳлардан устун бўлса, устун эканки, асло кам эмас.

«ҚАШҚАДАРЁ СОХИЛИ»ДА

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси Марказий кенгаши тармоқ бошланғич ташкилотлари раисларининг бир ҳафталик минтақавий ўқув-семинарини Қашқадарё вилоятларидан келган 88 нафар бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этишди.

Мазмун-мундарижасини муштарийларнинг талаб-истаклари асосида ривожлантиришда ва иш бошида, яъни рамзий маънода айтганда, булоқ бошида турган бошланғич касабакўра исслари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб олиш учун бундай учрашувлар айни муддао эди.

Президент Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифалар, айниқса, унинг бевосита матбуот ва ОАВ тизимини янада ривожлантиришга бағишланган учинчи бобида илгари сурилган гоғлар доирасидаги суҳбатлар кўпчилик учун қизиқарли эди. Чунки мустақиллик йилларида мамлакатимиз матбуоти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга доир кўлаб муҳим қонунлар қабул қилинди. Улар босқич-ма-босқич тахрир қилиниб, ри-

вожлантириб борилди. Бироқ, айнан мамлакат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида нима учун Президентимиз бу борада яна тўртта янги қонун ва мавжуд иккита қонунни янги тахрирда қабул қилишни таклиф этмоқда? Матбуот, оммавий ахборот воситалари, журналистаримиз, ўқувчилар, бошқарув идоралари, ҳатто давлатнинг ўзи бунга қай даражада тайёр, деган саволлар

Бу талаб бевосита «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодкорларига ҳам дахлдор. Касаба уюшмаларининг асоси бўлган бошланғич ташкилот қандай яшамоқда ва ишламоқда? Мана шулар ҳақида ва олис қишлоқ-туманларнинг ҳаётига доир ўткир-ўткир мақолалар кутиб қоламиз!

Тадбирда сўзга чиққан педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев ўзининг «Янги педагогик технологиялар» ҳақидаги маърузасида мавзунини давом эттирди:

— Дунё педагог-социолог олимларининг хулосасига кўра, бугунги кунда бола тарбиясида оила, кўча ва ахборот-интернет тизимидан кейин мактаб тўртинчи ўринга тушиб қолган. Бизнинг Ўзбекистонда оила-шаҳарнинг, маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмаётгани ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ўқитувчи-педагогларимиз бола тарбиясида биринчи ўринда турган оилани мустаҳ-

кам иттифоқига айлантириб, ўқувчиларимизни кўчанинг зарарли таъсирларидан асрашга эътибор билан қараш баробарида фойдали ахборотларни қаердан олиш ва бундан қандай қилиб омилкорлик билан фойдаланишга ўргатиш, яъни кеманинг хушёр капитани каби уларни кўзланган мақсадга йўналтириб, йўллаб ва қўллаб туришимиз керак. Энди, уни ўқима, бунга ўқи, деган билан ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Педагогик тарбия тузимини шундай ушлайликки, ўқувчи ахборот майдонига ўзи учун фойдали ва зарур билимларни ўзлаштириш ёки қабул қилиш кўникмаси билан кириб бориш. Шу маънода сиз билан бизни бошқарувчи, йўналтирувчи ёки етакловчи, десалар тўғрироқ бўлади.

Педагог-олимнинг бундай фавқулдда мулоҳазалари таби-

ийки, аудиторияда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидов ва вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Исоқ Аҳмедов ижтимоий шериклик таълимларининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросидаги аҳамиятини атрофича шарҳлаб бердилар.

Агар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мактабларининг 88 та бошланғич касабакўра раислари ушбу семинар-конференцияда иштирок этган бўлса, биз ана шу 88 та меҳнат жамоасининг

ҳар бирида меҳмон бўлгандай бир кайфиятда улар билан хайрлашдик.

Лекин касабакўрларни ўқувдам олиш ва тахриб алмашиш машғулотлари ҳафтаининг охиригача давом этди.

Семинар ташкилотчилари ўқувнинг самарали ва унутилмас руҳда ўтишини таъминлаш учун ноанъанавий маърузалардан фойдаланишди. Шаҳрисабз ва Китоб туманлари ўрта умумтаълим мактабларида ўтган қизиқарли амалий машғулотлар жараёнида жамоа шартномалари муҳокамаси, касабаси уюшмаси йиғилишини ўтказиш, адлия, суд ва прокуратура ходимлари билан давра суҳбати, мактаб ўқитувчиларининг спартакиадасини ташкил этиш намуналари намойиш этилди. Энг асосийси, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг барча туманларидан келган касабакўрлар бир ҳафта давомида тиббий текширув натижасига кўра, муолажалар олишди, саломатликларини тикладилар. Ҳуқуқий ва касбий билимларини мустаҳкамлашди, ўзaro фикр ва тажриба алмашишди.

— Наима Умарова, Бойсун туманидаги 39-мактабда бошланғич касабаси уюшмаси раисиман, — дея ўзини таништирди суҳбатдошимиз. — Қарши шаҳарига биринчи бор келишим. Қашқадарё воҳасининг маркази ўз чиройи, гўзал иншоотлари билан пойтахтдан деярли қолишмас экан. Шаҳар марказидаги «Эл-юрт таянчи» монументи пойига гул кўяр эканмиз, биз муштарак орзуларимиз ила янада бирлашдик, муборак Истиклолнинг қудратини ҳис этдик. Қашқадарёнинг зиёратгоҳлари, диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, таассуротларимиз янада бойиди.

МУСТАҚИЛЛИК БОҒЛАРИ

Ўзбекистон республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб тўхфа тайёрлаш мақсадида бугун барча ташкилот ва корхоналарда иш қизғин.

Ҳар бир ватандошимиз қалбида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида азиз байрамни илғор натижалар ва оқори иш унуми билан кутиб олиш иштиёқи баланд. Диллар эзгулик ва фаҳрга тўлган. Жумладан, Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллик-даватимиз мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп кўчат тўхфа қилиш ташаббуси билан чиққани олтин узукка зумрад кўз қўйилгандай ярашиб тушган. Айни пайтда ниҳоллар дастлабки баҳорни қарши олиб, япроқ ёзмоқ-



да ва замин бағрига чуқурроқ илдириш отмоқда.

— Вакиллик тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан жами бўлиб 398 гектар майдонга 766 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш режалаштирилган эди, — деди биз билан суҳбатда тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Жумакул Курбанов. — Шундан Муборак газни қайта ишлаш заводи меҳнаткашлари томонидан Китоб туманида 50 гектарлик, Муборак туманидаги Беки Саидов номидаги жамоа ҳўжалигида беш гектарлик янги боғлар яратилди. Ушбу боғларга Сербия

йўқ бағрикенглик, дарёдиллик, босиқлик ва мулоҳазакорликнинг илдилари қаерга бориб тақалди? Масалан, минг йиллар билан бўйлашган «Алпомиш» дostonи бош қахрамони Алпомишдаги уни фанимларидан жуда юксакка кўтариб турувчи андиша, гурур ва мардона тантлики ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмагандир ахир!

Савол кўзгаган ўқитувчи қизнинг ўзи буни ҳозир «ўзбеклар» бўлиб дунёга танилган халқимизнинг қадимда тарихий ипак йўлини боғловчи олтин халқа вазифасини муваффақиятли бажаргани билан изоҳлади. Минг шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли Шарқ билан Фарбни боғлаш мис-

Сувда оқар узок йўлдир.
Сендан бошқани десам,
Ўлганим ўшал кундир.

Тоҳир:
Сув оқар лахта-лахта,
Сандигим темир-тахта.
Сендан бошқани десам,
Қон ютай лахта-лахта.

Зухро:
Дарё қумтош устида,
Рўмолим қош устида.
Тоҳиржоним эсласам,
Йиглайман ош устида.

Тоҳир:
Темир сандиқ тайрилар,
Қайранларда қайрилар.
Омон қолгин Зухрожон,
Йўл шу ерда айрилар.
Биз ҳаёт ҳақиқатини афсона

ҳақида сўраганимизда у киши шундай жавоб қилди: Кексаларимизнинг ривоят қилишлари-ча, «Оқчо» сўзининг маъноси «Оқ» — оқув, яъни бирор бир суюқликнинг оқиши бўлса, «Чова» — «ёғ» (ичимлик ёғи) маъносини англатар экан. Яъни, қадимги замонларда Азиз авлиёлари-миз ош пишириб емоқчи бўлибди. Қарасаки, ошга ҳамма нарса тайёр, фақат ёғ йўқ эмиш. Шунда «Кўтиртош» (шу қишлоқдаги тошли тепаликнинг номи) га чиқиб, бир тешик тошнинг тагига қараб «Оқ човам, Оқ човам, Оқ човам» деб уч марта ба такрорлаган экан, тошнинг тагидан «Чова» — зигир ёғ си-зиб чиқибди. Ва улар шу ёғдан ош тайёрлаб ейишган экан. Шуну бу ернинг номи «Оқчо» бўлиб кетган экан. Эҳтимол, об-ҳавоси туфайли ери зироатли ўт-ўланга бой бўлгани учун ҳам бу ерлар «Оқчо» деб аталган бўлса керак.

«Оқчо»дан тўғри тоғ томон ўрласангиз, «Қалқама» сув омборига дуч келасиз. Айни баҳор пайти эмасми, сувга лим тўлган. Бошқа жойда учрамайдиган балиқлари билан машхур бу сув омборига «Тутли», «Лангар», «Тарағай» «Говхона» «Қуруқсой» каби тоғ орасидаги беш қишлоқнинг суви қуйили-шини эшитган чиқарсиз. Дарвоқе, «Қалқама» сўзининг маъноси ўзига ўхшаш. Зиядулла бобонинг айтишича, аввалги техника ривожланмаган даврда маҳаллий аҳолининг қўл кучи билан тоғдан оқиб келаётган сувни бир жойга тўплаш мақсадида сув омбори қурилади. Банд тупрокдан бунёд этилади. Тоғли худуд эмасми, баҳор серёгин келган пайтларда омборда сув кўпайиб, бандни бузиб кетиш ҳолатлари ҳам бўлиб турган. Баҳор ойлари-нинг бирида кучли жала ёғиб, сув кўпайгандан-кўпайиб бандни бузиб кетади. Натижада, унинг суви оқиб кетиб, ўрнида бир табиий ҳалқоб — қўл ҳосил бўлади. Қўл суви-нинг бир текис тургани ва шамолда юзи қалқигани учун «Қалқиб турган қўл», «Қалққан сув» номлари маҳаллий аҳоли тилида «Қалқа-

ма» бўлиб кетади. Ҳозирги кунда омбор замонавий қурилиш ашёлари ёрдамида мустаҳкам банд билан тўсилган. Лекин унинг суви ҳамон қалқиб, одамларни мудом қушёр яшашга чорлаб туради.

БОШМАНБУЛОҚ
Айни баҳор пайти бўлишига қарамай, қуёш кундан-кунга ер юзини эринмасдан қиздираётган паллада бизнинг навбатдаги кўноғимиз Лангар ота қишлоғидаги Бошманбулоқ бўйи бўлди.

У ерда бизни шу қишлоқда туғилиб вояга етган, кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилиб эл-юрт хурмати-га сазовор бўлган инсон, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиб, ёзувчи Ҳозир Фози Раҳмон қаршилади.

Ҳозир Фози Раҳмон ижоди «Ishonch» газетхонлари учун ҳам яхши та-

ҲАЗРАТИ ЛАНГАР ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Халқимиз Чоршанбани муродбахш кун дейишади. Эрта тонгда Ҳозир Раҳмон бошчилигида Ҳазрати Лангар ота мажмуасини зиёрат қилдик.

Заминимиз қадимий осори атиқалар ва муборак азиз жойларга жуда бой. Ана шулардан бири Абул Ҳасан Ишқий номидаги жоме масжидидир. У ордан минг йиллар ўтса-да, жим-жимадор нақшиногория қулоч етмас арча устунлари билан ҳамон қад ростлаб турибди. Бу арчалар камида минг ёшга етганида масжидга устун бўлган. Қани айтингчи, энг чекка қишлоғидаги бир масжиднинг ёғоч устун икки минг йилни бўйлаган юрт яна қайда бор?! Бир пайтлар шўро ҳукумати бу қадимий масжидни бузиб ташламоқчи бўлганда қишлоқ оқсоқоллари маблағ йиғиб ҳукуматдан сотиб олиб қолишган экан. Унинг гирдидаги бошланғич таълим берадиган мадраса ҳужралари ўтган асрнинг 50-йиллар қатағонида бузиб, ғиштлари ташиб кетилган. Биз тарихий обида ҳовлисида қишлоқнинг бир гуруҳ оқсоқоллари билан зиёратгоҳ ва қадамжоларни тиклаш, таъмирлаш борасида мамлакатимизда, шу жумладан, Қашқадарёда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ширин гурун қилдик. Дарвоқе, улардан бири — ҳозир нафақада бўлган Ҳозир Раҳмонни ҳам ўқитган адабиёт муаллими Маъмурхон отанинг суҳбати кўп мароқли бўлди. Катта қабристондаги икки тепаликнинг бир хил баландлигида жойлашган 2 та хонақоҳда қишлоқни Лангар ота деб номланишига асос бўлган шайхлар хилхонаси мавжуд.

Дарвоқе, «Лангар» сўзи ўзининг мазмун-моҳияти билан ўнлаб от-атама, сифат-сифатдошларига эга. Лангар — лангар чўп — дорбозлар қўлидаги мувозанат тағйи ёки ислом суфийлари келиб жойлашган макон, мусофирхона, етим-есирлару бева-бечораларга озиқ-овқат, бошпана бериладиган жой маъноларини англатади. Айрим манбаларда эса муғулча Лангар, яъни улуг, муқаддас қабр маъносига ҳам келади.

Лангар тоғларидаги тош асрига оид Кўчқортош қояси, Қозонтош, Тешиктош, Қонизар ғорлари, Садиртош ёдгорликлари ҳам ҳар бир сайёҳ ёки зиёратчини қизиқтириши, табиий, энг муҳими эса, Қалқама Лангардаги 2 машхур Хонақоҳ ва Мачит ёдгорлиги бугунги кунда катта зиёратгоҳга айланган.

Ҳар доимгидек, бу гал ҳам биз Қашқадарё ва қашқадарёликларни янгитдан кашф этдик. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини тараққиётимизнинг навбатдаги юксак босқичи сифатида нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Довуд МАДИЕВ,
Акмал АБДИЕВ,
Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбирлари.

Қашқадарё вилояти

ҲАМНАФАС

ядан келтирилган «Спартон» ва «Глостир» навли олма, «Велянс», «Сеянин» нок навлари, «Чаган», «Красавица» каби олхўри кўчатлари экилди.

«Шўртангазкимё» мажмуаси ходимлари эса Қарши-Ҳузур йўналишидаги автомагистрал атрофига, ўрмонзор агроучасткаларига, корхона ҳомийлигидаги ташкилот ва ўқув масканларида 83 минг туп мевали ҳамда манзарали дарахт ниҳоллари экидилар. «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси жамоаси Яккабоғ тумани Турон ММТП худудида 50 гектар ерни гўзал бўстонга айлантириш орзусида. «Қаршинефтбаза» унитар корхонасининг 150 нафар муҳандис-техник ходимлари ҳам киши бошига йигирматадан, жами 3000 туп кўчат қададилар. Корхона қошида икки ярим гектар ерга манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Қарши туманидаги Чўли ота ҳўжалигида 14 гектар майдонда мевали боғ барпо этилди. Бу боғларга ҳам Сербиядан келтирилган ҳосилдор ниҳоллар ўтказилди.

Шунингдек, «Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонаси Яккабоғ тумани Охунбобоев ҳўжалигида 10 гектар, «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси Шаҳрисабзда эллик, Муборакда икки гектар, «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Яккабоғда 10 гектар ерда янги боғ ташкил қилишди.

Йўл-йўлакай япроқ ёзиб, томир отаётган бу боғларни томоша қилиб, уларнинг боғбонлари билан суҳбатлашиб, бир туйғуни аён ҳис этдик: Бу боғлар баробарида одамлар қалбида ҳам эртанги кунга ишонч боғлари гуллаб-яшнамоқда. Айниқса, кўнгиллардаги умид ва орзу чаманларининг янада яшнашида Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 тудан кўчат экиш ташаббускори бўлган касабаси уюшмасининг катта ҳиссаси борлигини эслаш дилмизни янада равшан айлади ва биз катта ифтихор билан бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали, деган иборани ёдга олдик.

«КОЛЛЕЖЧИЛАР» ДАВРАСИДА

«Ishonch» кунлари доирасидаги учрашувларнинг яна бири Қарши Давлат университетини қошидаги ўқув-марказда уюштирилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан малака оширишга келган бир гуруҳ ёш ўқитувчилар қатнашди.

Давра суҳбати тарзида кечган бу учрашувда миллий кадриятларимиз асосида XXI аср эгаларини тарбиялаш масалалари доирасида баҳсга чорловчи фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Халқимизга хос, ҳеч бир қиёси

сияси яна халқимизга қайтиб келди. Халқро автомагистраллар ва ҳаво йўлларининг мамлакатимиздан ўтаётгани «оққан дарё оқавради», деган ҳикматни ёдга солади. Бу имкониятдан фойдаланиш ва уни кўпайтириш сиз билан бизнинг фидойчилигимизга ҳам боғлиқ, албатта. Биз газетангизда мана шундай миллий ва умуминсоний кадриятлар тараннум этилган мавзулар кўпроқ ёритилишини истаймиз, — дейишди давра суҳбати иштирокчилари.

Қарши Давлат университетининг умумтаълим фанлар кафедраси мудири, доцент Нарзулла Боймуродов, педагогика кафедраси мудири, доцент Ақром Соҳибовлар ҳам «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг бугунги нуфузи ва бадий савияси ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг, вилоятнинг сўлим туманларидан бири Чироқчи томон отландик. Йўл-йўлакай Ҳузур туманида жойлашган «Тоҳир ва Зухра» мажмуасини зиёрат қилдик.

«ТОҲИР – ЗУХРО» АФСОНА СИ

Зиёратгоҳ Қарши – Қамашни автомобил йўлининг 25-қақирими, Дўнг Қовчин қишлоғида жойлашган. Бу қошонанинг меъморидостон воқеалари асосида деталарни шундай фалсафий дид билан жойлаштирганки, дарёси ҳам, Тоҳир оққан сандиғи ҳам, оқ ва қизил гуллар ўртасида ўсиб чиққан қора тикан ва ошиқ-машуқларнинг рамзий қабрлари ҳам бир фурсат сизни афсоналар оламига олиб кетади. Қаерлардан, балки самолардан қуйилиб келаётган боғалигингизда эшитганларингиз Тоҳир ва Зухро айтишувлари сизни яна ўша шуқулли дамларга чорлаётгандай бўлади.

Зухро:
Севганим қизил гулдир.

даражасига кўтарган, машхур қилган ва кейин уни яна ўзимиз ўз ҳаётимиз билан улуглаган халқимиз. Шу боисдан «Тоҳир-Зухро» қисматида бу ерда ҳеч ким, етти ёшдан етмиш ёшни қоралаганларгача, ҳатто келин-куёвлик либосида мазкур мажмуани зиёрат қилиб юрган мана бу ёшлар ҳам «бу бир эртақ-да» деб қарамайди. Воқеалардан сал олдин кетиб бўлса ҳам, ай-



тиб қўйлик, Чироқчининг Лангар ота қадамжосида биз замонамиз Тоҳир-Зухроларидан бирининг қабрини зиёрат қилдик. Вилоятнинг обрўли идораларидан бирида масъул вазифада ишлаган Исомиддинхон исмли йигит умр йўлдошининг вафотидан кейин олти йил унинг рўмолини белига боғлаб аза тутади ва ... ўзи ҳам суюқлисининг ёнидаги садоқат хилхонасидан макон топади.

ОҚЧОВА ВА ҚАЛҚАМА

«Оқчо» ҳўжалиги Чироқчи туманининг тоғли худудларидан саналади. У ернинг катта майдони дала-дашт ва тоғу тошлардан иборат. Бу қишлоқ аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик ва деҳқончиликдан. Биз сафаримиз давомида шу ерлик 68 ёшли Зиядулла бободан «Оқчо» сўзининг маъноси

Лойиҳа муҳокамаси

Мамлакатимизда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритади. Фуқаролар йиғини ва ўзини-ўзи бошқариш органи — маҳаллалар сони эса 10 мингдан зиёд. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жадал ривожланаяпти. Йирик саноат ва кичик корхоналар сони ортиб борапти. Тараққиётнинг шундай босқичида демократия принциплари ННТлар, бошқарув ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги муносабатни янги босқичга кўтариш, ижтимоий шерикликнинг қонуний асосларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси аҳолининг барча қатламлари манфаатларини муҳассамлаштирадиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Жойларда қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизгин давом этмоқда. Муҳокамаларда турли касб ва ижтимоий қатлам вакиллари фаол иштирок этиб, ўз мулоҳаза ва таклифларини билдиришяпти.

Долзарб мавзу юзасидан мухбирларимиз хабар қилади:

ЖИЗЗАХ

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мажлислар залида лойиҳа муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев бошқарди. Иштирокчилар томонидан ўндан ортиқ конструктив таклифлар билдирилди.

— Лойиҳанинг 23-моддасида «...корхона, ташкилот, муассасалар миқёсида меҳнатни, ижтимоий-иқтисодий, касбий муносабатларни мувофиқлаштиришда иш берувчи ва ходимлар ўртасида жамоа шартномалари тузилиши мумкин», дейилди, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳуқуқий бўлим мудири Шухрат Тожибоев. — Бунда «мумкин» сўзи ўрнига «шарт» дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Алишер Каримов, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси МКнинг вилоятдаги вакили:

— Қонун лойиҳасининг 25-моддасида ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунбузилишга йўл қўйган шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик тортилиши айтилади. Шу муносабат билан тегишли қонунларга ҳам ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Баходир Тўйчиев, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах минтақавий бўлими масъул ходими.

— Лойиҳанинг 19-моддаси 3-қисми «Комиссия йиғилиши ҳар чорақда ўтказилади» деган жумла билан ўзгартирилса, айти мудоа бўларди. Негаки, уч ойлик фаолият кўзга янада яққолроқ ташланади.

АНДИЖОН

— Давлат бошқарув органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосга эҳтиёж сезилганлиги боис, ушбу қонун қабул қилинмоқда, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган лойиҳа муҳокамасига бағишланган давра суҳбатида бирлашма ҳуқуқшуноси П.Жўрабоев. — қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шахрида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсонбой Ражабов «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши давр талаби эканини эътироф этиб, бу фаолиятда сифат ўзгаришларига сабаб бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлар Ассоциацияси қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Д.Амиркулов, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси О.Равшанов, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси И.Сабдаров, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими раҳбар муовини М.Тулаков сўзга чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан таклифларини билдирдилар.

Маълумки, товар ишлаб чиқарувчи ёки бирор-бир хизмат кўрсатувчи субъект маҳсулотига истеъмолчини қизиқтиришда рекламадан фойдаланади. У ҳам бошқа фаолият турлари сингари фақат қонун доирасида амалга оширилиши шарт. Реклама бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ажралмас қисми сифатида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эканини англаш муҳимдир. У юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида хабардор қилиш воситаларидан бири бўлиб, биринчи навбатда, истеъмол талабини рағбатлантириш ҳамда тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Муҳим жараён

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш давомида амалдаги «Реклама тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этди ва ўтган йили ушбу қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-1-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида хорижий тажриба ўрганилди, реклама соҳасини ривожлантиришда бирон-бир тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда ушбу соҳадаги амалиётнинг мавжуд меъёрий талабларга мувофиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосан, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламасини бутунлай тақиқлаш, ноқонуний ва фирром рақобатдан тадбиркорларни муҳофазалаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мазкур қонуний чора аҳолисининг 40 фоизидан ортигини 18 ёшгача, 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қиладиган мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг саломатлигини яшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Аммо тамаки ва алкогольли ичимликларнинг истеъмолчиларда ушбу товарларни харид қилиш истагини уйғотадиган чиройли ҳамда ёрқин рекламаси ушбу мақсад-вазифаларга зиддир.

Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига етказадиган зарари ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Шу боис, уларнинг рекламаси аксилжтимоий ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий норманинг ўтган «Баркамол авлод йили»да қабул қилингани ҳам рамзий маънога эга. Унинг амалга оширилиши мамлакатимизда тегишли давлат дастурини, ҳар тарафлама етук ва комил шахсни камол топтириш бўйича кенг қўламли ишларни бажариш, фарзандларимизни зарарли одатлардан асрашга ёрдам беради, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш учун қўшимча ша-роитлар яратади.

Афсуски, қонун кучга киргунча кўплаб хўжалик субъектлари рекламанинг турли усулларида фойдаланиб, ал-



когол маҳсулотларининг ўсиб келаётган ёш авлод ва миллий қадриятларимизга таъсирини инобатга олмасдан, уларни бозорда сотиб келди. Бундан ташқари, ароқ ва тамаки маҳсулотларини бошқа товарлар, хизматлар, кўнгило-чар тадбирлар рекламаси кўринишида тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам кўп учради.

Масалан, минерал сув ва бошқа товарларнинг ташқи рекламаси тамаки маҳсулотлари ҳамда алкоголь ичимликларнинг номи ва белгиларидан фойдаланган ҳолда жойлаштирилган ҳолатлар мавжуд. Энди қонунга мувофиқ, жамиятимиз ҳаёти нормаларига зид бўлган бундай ғайриахлоқий бизнесга қонуний асосда чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 268-1-моддасига биноан, реклама соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси зиммасига юкланган. Мазкур органга аниқланган қонунбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, қабул қилинган қонун ижросини таъминлаш маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига ҳам қиради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси эса назорат-таҳлил тартибиде ушбу қонун ижроси мониторингини амалга ошириб боради.

Умуман, янги қонун реклама соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган. Мисол учун, «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига рекламада ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, истеъмолчиларни чалғитадиган, бинобарин, уларнинг ҳуқуқларини камситадиган хорижий сўз

ва иборалардан фойдаланишни тақиқловчи қўшимчалар киритилди.

Реклама берувчилар реклама қилинаётган товарга нисбатан талабни ошириш мақсадида кўпинча маҳсулот давлат органлари, масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан маъқуллангани ёки тавсия этилганини кўрсатадилар. Бундан буён бу қонун йўли билан тақиқланди.

Янги қонун нормаларида ташқи рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик, шунингдек, қонун томонидан реклама қилиниши тақиқланган товарлар, ишлар ёки хизматлар рекламасини тарқатганлик учун жавобгарликни ошириш кўзда тутилган.

Қонунда қонунбузарликнинг янги турлари аниқ кўрсатилган бўлиб, уларга кўра, реклама берувчилар, тайёрловчилар ва тарқатувчилар — юридик шахсларга каттагина миқдорда, яъни энг кам иш ҳақининг юз бараваригача жарима солиниши мумкин.

Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, энди рекламани яширин, деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи, яъни Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилади.

Хуллас, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-1-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар изчил ривожланиб бораётган жамиятимиз вазифаларига мос келадиган ҳуқуқий нормаларга янада аниқ ҳамда самарали риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик
палатаси депутати

Амалий ишлар самараси

Иш жараёнида пайдо бўладиган ҳар қандай хавфнинг олдини олиш, барча ишчи-ходимларимиз учун ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжларига мос иш шароитларини таъминлаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси саналади. Бунга эришиш учун аниқ режалар асосида иш олиб бораёلمиз.

Муассасаларимизда 2004 йилдан буён апрел-май ойларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш ойлиги» ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбир орқали меҳнат муҳофазаси соҳасида мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш, жойларда ишчи-ходимларга иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан хавфсиз ва қулай иш шароитлари яратиш берилиши устидан назорат олиб бориш ҳамда бу ишда уларга амалий ёрдам бериш кўзда тутилган.

Ўтган йили «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» давомида тиббиёт соҳаси иш берувчилари томонидан меҳнат муҳофазаси тадбирларига 26 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. Ойлик давомида барча муассасаларимизда касаба уюшма тасарруфидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ва доимий комиссиянинг вазифалари, ҳуқуқлари, уларнинг фаолияти ҳамда жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича ўтказилган семинарлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Чунончи 1221 та иш ўрни хавфсиз ва зарарсиз ҳолатга келтирилди. Шу давр мобайнида 2430 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари меҳнат муҳофазаси бўйича шаҳодатланди ва 971 нафар ходим махсус курсларда ўқитилди.

Келгусида меҳнат муҳофазаси соҳасида қилиниши зарур бўлган ишларимиз кўлами янада кенг. Барча ташкилот, муассасаларда ишчи-ходимларни бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини кучайтирмоқдамиз.

«Умумжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни»га бағишлаб ўтказилган бу йилги ойликда 450 та иш жойи тартибга келтирилиб, 2500 нафар тиббиёт ходимлари иш шароитини яхшилаш ва жамоа шартномалари орқали бу ишларга қўшимча 30 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Меҳнат муҳофазаси ойлиги» тадбирларида фаол қатнашиб, жойларда ишчи-ходимлар учун хавфсиз ва қулай иш шароитини яратиш каби муҳим омиллар ҳаммиша асосий вазифамиз бўлади.

Маҳмуд КОДИРОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сабабларини таҳлил қилар эканмиз, улар асосан оиладаги тарбия, тўғрироғи, тарбияга эътиборсизлик, назоратнинг заифлигидан келиб чиқаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Эндигина 16 ёшга тўлган Абдурахим Ҳороқов Бухоро шаҳридаги Темирбоғи аҳоли пунктида яшайди, шу ёшида судланишга ҳам улгурган. Бироқ бундан хулоса чиқармади, яна жиноят содир этди.


Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди

19 январ куни тун ярмидан оғанда, отасининг ухлаётганига ишонч ҳосил қилиб, оёқ учида кўчага чиқади. Аввал «Дилкушо» ёпиқ бозори худудида жойлашган уяли телефон аппаратлари сотиладиган дўконни кузатади. Бозор атрофида ички ишлар бошқармаси ходимлари посбонлик қилаётганини кўриб, ови юрмаслигини англаб етди ва тунги шаҳар бўйлаб изғишни давом эттирди.

— Соат 2 лар эди чамамда. Мустақиллик кўчасидан ўтиб бораётгандим. «Нокия» русумли уяли телефон аппаратлари дўкони диққатимни тортди. Атрофда ҳеч ким кўринмагач, эшигини синдирдим, ичкаридаги темир панжара ҳам қулflanмаган экан, — дейди Абдурахим Ҳороқов дастлабки тергов чоғида. — Сейф ҳам очиқ турганди. Сумка, жойнамоз ва сумка ичидаги уяли телефонларни олиб ташқарига чиқдим. Совуқ эди. Тезроқ уйга кетишни истардим. Бироқ дадамнинг буларни қаердан келганини суриштиришидан чўчидим...

Абдурахим ўғирланган молларни дарахт остига яшириб қўяди. Уйга қайтганда ота ҳамон уйкуда эди. У туни билан кўрсатган қахрамонлиги таассуротларидан жунбушга келиб ухлай олмади. Қани энди тезроқ тонг отса-ю телефонларни сотишни бошлаб юборса...

— Кеча ярим тундан сўнг уяли телефон аппаратлари сотиладиган дўконга ўғирликка киргандим. Қўлимга илинганини сумкага жойладимда, қочдим. Сумкада қанча аппарат борлигини билмайман. Сотишга қарашиб



юборсанг, аппаратларни бўлишиб олардик, — дея мақтанади тонг саҳардан Абдурахим синфдоши Нодир Нурматовга. — Арзонга бўлса ҳам пулласак, чўнтагимиз қаппайиб қолади.

Дарахт остидаги сумкадан 15 дона уяли телефон аппаратларини олган икки ўртоқ уларни ҳеч ким билмайдиган жойга яшириб қўйишади. Бироқ, вояга етмаган жиноятчилар тенгқурлари орасида телефонга етарлича пули бор харидор топа олишмади. Отаоналарга эса бу сирни очиб бўлмайди. Ўз-ўзидан гуруҳчага ёши каттароқ шерик керак бўлиб қолганди. Натижада, Абдурахим Нодирнинг акаси Нурали Нурматовга сирини очишга мажбур бўлди.

Шерикларидан бир-икки кўйлакни ортиқ йиртган Нурали «ишни» тўғри йўлга қўя олди.

— Ойи, кўшнимиз, синфдошим Абдурахимнинг онаси Россиядан уяли телефон аппаратларини со-

тиш учун юборибди. 6 донасини менга берди. Мактабда Абдурахимни овқатланиши учун қарашиб юрибман. Шунинг эвазига пулини сўрамади. Кўнглингиз тўқ бўлсин, — деди мактабдан қайтган Нодир Нурматов акаси тўкиган ёлгондан фойдаланиб.

Она қўл телефонлари қандай қилиб ўглининг қўлига тушганлиги билан чўқурроқ қизиқмади. Фойибдан келаётган фойдани ўйлаб, уяли телефон аппаратларига харидор излай бошлади. 2 дона «Самсунг», 4

дона «Нокия» русумли аппаратлар ўз «эга»ларини топди. Ўлидан «наҳотки, синфдошининг сендан шунча пул қарзи бўлса», деб сўраб ҳам қўймади.

Касалини яширсанг, иситмаси ошқор қилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Абдурахим Ҳороқов 44 дона уяли телефон аппаратларини ўғирлашда айбланди. Унинг жиноий шериклари ҳам тегишли жазоларини олишди.

Мустақил ҳаётга қадам қўймай туриб, жиноий жавобгарликка тортилган вояга етмаганларнинг тақдири тенгқурларига ўрناк бўлиши керак. Фарзанд оила қувончи, бахту иқболи. Уни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг бурчи. Афсуски, юқоридаги ҳолатда...

Шухрат ЯДГАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси.
Валижон ЮСУПОВ,
журналист

Оила — муқаддас даргоҳ. Кексаларимиз дуога қўл очаётганда бежизга қўша-қаринлар, деб тилак билдиришмайди. Эр-хотиннинг тотувлиги, аҳил ва иноқ ҳаёт кечирishi оиланинг бахтини таъминлайди. Жарқўргонлик Шарофиддин Самадов ва Наргиза Алавонова ҳаётида 2007 йилнинг кузи қувончли келди. Улар ҳам кўплаб ёшлар қатори яхши ниятда оила қуришди.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Наргиза «эр-хотин — қўш хўкиз» деган нақлга амал қиладиган аёл бўлиб чиқди. Жарқўргон туман марказий озиқ-овқат бозорида ошхона ташкил қилиб, оила иқтисодини барқарорлаштириш, турмуш ўртоғига қўмаклашиш мақсадида энг шимариб, ишга киришди. Лекин эрнинг ишсизлигини ўзига касб қилиб олгани ўртага совуқчилик солди. Оқибат, ораларидан гап қочиб, жанжал чиқадиган бўлди.

Оиланинг мустақкам қўрғонига дарз кетди. Бир куни...

Наргиза ўз жонига қасд қилди. Шумхабар яшин тезлигида атрофга тарқалди.

Хўш, ширин орзуларни рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб келаётган аёл нега бу йўлни танлади, бунга уни нима мажбур қилди, деган савол барчани бирдек ўйлантирди.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, марҳума Н.Ала-

воновага ўлимидан олдин турли тан жароҳатлари етказилган.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Наргизани турмуш ўртоғи Шарофиддин 2010 йилнинг 21 май куни кечаси унинг икки қўлини сочиқ билан боғлаб, кабел учун қоқилган миҳга маҳкамлаб, аёвсиз калтаклаб, жисмоний ва руҳий азоб чекишга мажбур қилган.

Суд залида Шарофиддин айбини тан олди. Гувохлик берганлар ҳам анчадан бери бу оилада тотувлик йўқлигини, Шарофиддин хотинини калтаклашни одат қилганини таъкидлашди.

Жиноятга жазо муқаррар, деганларидек, Шарофиддин Самадов айбдор деб топилди, қилмишига яраша жазо олди.

Дилшод ЭШМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди раиси

Уйлар эгасига қайтарилди

Самарқанд шаҳрида яшовчи Замира Бобожонова 2001 йил апрел ойида қўшниси Сайёра Салаевага тегишли бўлган Қўшхавуз кўчасидаги 83-уйни сотиб олди. Буни тасдиқловчи тилхат ва бошқа ҳужжатлар келишув тарзида расмийлаштирила бошланди. Лекин, ўша пайтда маблағ етишмаслиги сабабли ишлари ниҳоясига етмай қолди. Бобожонова маҳалла оқсоқоли билан келишиб, уйга вақтинча Хурсанд Ураловани ижарага қўйди.

Ижарачи Хурсандойнинг эса нияти бузилди.

Қисқа вақт ичида уйга «меҳри тушиб», сохта ҳужжатлар тайёрлади ва мазкур уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш бўйича Самарқанд шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилди. Сохтакорликлар иш бериб, шошма-шошарликда шаҳар ҳокимиятининг уй-жойга эгалик ҳуқуқини берувчи қарори ҳам чиқарилади. Фараз мақсадига эришган ижарачи аёл ушбу уйни Самарқанд шаҳар 13-сонли давлат нотариал идораси орқали қизи Ирода Ураловага ҳада сифатида расмийлаштириб юборади.

Даъво аризаси атрофлича ўрганилиб чиқилгач, ҳайъат аъзолари юзага келган шошма-шошарликларнинг барҳам топишига сабабчи бўлдилар. Фуқаро З.Бобожонова уй-жойнинг

ҳақиқий мулкдори деб топилди.

Пастдарғом туманининг «Меҳнаткаш» қишлоғида яшовчи меҳнаткаш йигит Тошмурод Атамуродовнинг изтироблари Бобожонованикидан кам эмасди. У 2001 йилнинг 12 октябрида туман ҳокимининг қарорига кўра, уй-жой томорқасига эга бўлган эди. Аммо, ўроқда йўқ, бошқода йўқ, хирмонда ҳозир фуқаро Очил Сафаров унга ажратилган майдонга ўзбошимчилик билан эгалик қилиб олади.

Даъво аризаси одилона ўрганиб чиқилиб, уй-жой ўзининг қонуний эгаси Т.Атамуродовга олиб берилди. Фуқаролар манфаати бундан кейин ҳам қонун ҳимоясида қолаверади.

Шовқиддин ЭРГАШЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ 2011 йил май-июн ойларида навбатдаги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади.

Сайлов — демократиянинг бош мезони, фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми, халқ иродасини ифода этишнинг асосий шаклидир.

Айнан шунга кўра мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу институтни жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қудратли бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлган ижтимоий ўзини-ўзи бошқаришнинг гоят муҳим бирламчи бўлини сифатида кучайтириш бўйича тизимли ҳамда изчил чора-тадбирлар кўрилди.

Давлат ва жамият қурилишининг ҳамма томонларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари чуқурлашиб бормоқда. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги, унинг сиёсий ва фуқаролик бурчини англаши анча ўсганлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашни чуқурлаштириш йўлидан илгарилаб ҳаракатланиш фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган.

Бўлажак сайловда мамла-

лаб чиқиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш каби вазибалар ҳам уларнинг ваколатлари доирасига киряди.

Туман, шаҳар комиссиялари фаолиятини самарали тарзда мувофиқлаштириб бориб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда, жойларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривож-

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишда улар ҳузурида яраштирув комиссиялари, маҳалла посбони жамоатчилик тузилмалари ташкил этилиши, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли томонидан уй-жой коммунал хизматлар ҳақи батамом тўла-тўлини таъминлаганлик учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига маблағ ажратиш тартиби ва бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий вазибаларни ҳал қилишда маҳалланинг роли ва аҳамияти янада ўсишига ўзига хос туртки бўлди. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам бериш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш учун фойдаланилаётган моддий-техника базанинг мустаҳкамланиши ва бошқа вазибаларнинг бажарилишига замин яратди.

Ҳозирда маҳалла илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирган ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги ўттиздан ортиқ вазифани бажармоқда.

Таъкидлаш жоизки, мунтазам ўтказиб келинаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови чинакам демократия, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, жойлардаги мавжуд камчиликларга нисбатан талабчанлик ва муросасизлик мактабига айланди.

Бу галги сайловлар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтмоқ-

катимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини теран ҳис этадиган, ишбилармон, одамларни ўзига эргаштира биладиган юрдошларимизнинг раис ва унинг маслаҳатчилари этиб сайланиши ушбу вазибаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Вилоятимизда 2008 йил ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтган сайловлар якунлари бўйича 293 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва уларнинг 2838 нафар маслаҳатчиси сайланган эди. 2011 йилда 303 нафар фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 2900 нафардан зиёд маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир тадбирлар дастури маъқулланиб, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди. Мазкур комиссия олдида кўйилган вазибалар гоят серқирра ва масъулиятли.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни амалдаги қонун ҳужжатларига, очик ва ошкоралик, демократик тамойилларга тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш, энг муносиб ва ҳурматли, ташкилотчилик қобилиятларига, ҳаётий таърибага ва аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқароларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишини таъминлаш шулар жумласидандир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш асносида фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий, уй-жой ва маиший ҳамда бошқа масалаларни аниқлаш, уларни ҳал этишга қаратилган комплекс дастурлар иш-

лантириш, жамоат назоратини таъминлашда уларнинг аҳамияти ва ролини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли орасида кенг ахборот-тушунтириш ишларининг ташкил этилганлиги ўз самарасини бераётган.

Сайлов жараёнининг асосий босқичига кирар эканмиз, жойларда ишчи гуруҳлар тузилиб, комиссиялар, ишчи гуруҳлар аъзолари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятлари институтлари вакиллари иштирокида ҳудудий амалий семинарлар ўтказилди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва дахалар вакиллари йиғилишларини ўтказишга кўмаклашилди. Туман ва шаҳарлардаги фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жадваллари тайёрланди.

Сайловнинг якуний босқичи ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини шакллантириш жабҳасида ҳам комиссиянинг масъулиятли вазибалари асло камаймайди. Сайлов — демократиянинг бош мезони, фуқаролар давлат ва жамоат ишларини бошқаришда фаол иштирок этишнинг асосий шакли сифатида намоён бўлар экан, фаолиятимизни белгиланган тадбирлар режасига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширамиз.

Нусратулло ПАРДАЕВ, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Жиззах вилоят комиссияси раиси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Маҳалла тизимида сайловлар

Олий Мажлис Сенатининг шу йил 31 мартда ўтказилган йиғилишида қабул қилинган қарорга асосан май-июн ойларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилади. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколати икки йил этиб белгиланганлиги учун бу вазифага сайланган, яъни ҳозирги кунда йиғинларга раислик қилиб турганлар билан уларнинг маслаҳатчилари ваколат мuddати тугайди. Шу муносабат билан амалдаги қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ равишда сайлов ўтказиш тайинланган.

Бўлажак сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Унинг муҳимлиги, аввало, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг халқ ва давлат ҳаётидаги алоҳида аҳамияти, ўтказилаётган кенг миқёсли ислохотларда уларнинг ролини ошириш зарурлиги билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида янги бир тизим сифатида шаклланиб келаётган маҳалла бошқарувининг куйи бўғинида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, жойларда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, оилавий ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда таъсирчан кучга айланди. Бугун ушбу институт давлат ҳокимиятининг ўттиздан ортиқ вазибаларини мустақил амалга ошираётгани, ўз ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, оилалар мустаҳкамлигига эришиб келаётгани диққатга сазовордир.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятни ислоҳ қилиш жараёнидаги самарали фаолияти аҳолининг кенг қатламлари ташаббускорлигидан, халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидан янада кўпроқ фойдаланиш имконини беради. Маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлардаги ишларнинг аҳолини яхши билганликлари сабабли фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари кўпгина ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа масалаларни жойларнинг ўзида ҳал қила оладилар. Халқнинг ўз ташаббуси ва ижоди маҳсули бўлган фуқаролар йиғинлари чинакам ноёб, аслан миллий, жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш шакли бўлгани ҳолда, теран ва бақувват илдиз мисол маҳаллий ҳокимиятни ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари, маданияти, таъриби ва ақл-заковати сарчашмаларидан баҳраманд этмоқда.

Бугун вилоятимизда 549 та фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Демак, бўлажак сайловларда ана шунча фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва 5600 дан ортиқ уларнинг маслаҳатчиларини сайлашимиз лозим.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига асосан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазибаларига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда йиғинда ташкил қилинган ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазибаларига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида 10 кун олдин топширилади. Маҳалла раислигига номзодлик учун қонун тартибидеги олий маълумотли бўлиши ва сайлов кун тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий таърибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Шунингдек, мамлакатимиз тарихининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари олдида турган вазибаларни амалга оширишга қодир шахслар орасидан танланмоғи лозим.

Маҳаллалардаги йиғинлар сайлов ёшидаги ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар ёки уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади. Бу тадбир шунчаки ташкилий тадбир бўлмай, балки сайловчиларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ сиёсий тадбир ҳисобланади. Шу нуқтани назардан келиб чиқиб, қишлоқ ва маҳалла вакиллари, кўчабошилар, кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳаллаларда уй бошлиқлари фуқаролар йиғинида ўтказилаётган сайловда вакиллар сайлашда ишчи гуруҳларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Шуни таъкидлаш ўринлики, вакиллик сонини ҳар бир маҳаллада, туман, шаҳар кўмаклашувчи комиссиялари тавсияларини инобатга олиб, ички имкониятларни ҳисобга олган ҳолда маҳалла ишчи гуруҳи белгиланди.

Сайлов натижалари кўп жиҳатдан йиғин ўтказиш жойи, вақти билан ҳам белгиланади. Бунда имкон қадар маҳалланинг ўз ихтиёридаги залдан, имкон бўлмаган тақдирда, маҳалла ҳудудидаги мактаб, коллеж, лицей ёки ташкилот, муассаса ва корхоналар мажлислар залидан фойдаланиши мумкин бўлади. Залда овоз кучайтиргич ва бошқа зарурий кулайликларнинг мавжудлиги мажлисининг унумли ва юқори савияда ўтишига имкон беради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимида май-июн ойларида ўтказилаётган сайлов биз қураётган фуқаролик жамиятининг асосларини мустаҳкамлашда яна бир катта қадам бўлади.

Бехбуд ЖУМАЕВ, Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси

Жонбўзсойда саксон етмига кирган Бахтиёр бобо исми пири бадавлат онахон ашайди. Бобонинг Шарофат момо билан турмуш курганига ҳам олтиши йилдан ошган. Мол-қалир саккиз фарзанд, йигирма олти набира, бешта чеварам бўлиди.


Бахтиёр бобо ниҳоятда сўзга чечан, ҳозиржавоб, муस्ताҳкам хотира ва салоҳият эгаси. Қашқа воҳасининг исталган гўшасига бориб, кўни кўрган кексаларга ўзининг таништирмоқчи бўлсангиз, «Бахтиёр қассобнинг қишлоқиданман» десангиз, дарров танишади.

Бахтиёр бобо

Чунки Бахтиёр бобо умрбўйи мол-дунё йиғмади, балки дўст-биродар орттирди, тўй-маърака, тадбирлардан қолмади. Кишти келса, Тошпўлат маҳсумни эргаштириб Сурхону Самарқанд, Бухорои шарифга ҳам меҳмон бўлиб келади. Бобомиз ўтирган давраларда ҳар доим қувноқ кулгу, хангома ва ибратли ҳикоятлар эшитилади. У кишига худо ҳар томондан берган. Ёшлигида доврўгли давраларда бел олишиб полвонлик қилди. Улоқ-кўпқариларда эса мохир чавандозлиги билан ном қозонди. Бобо айни пайтда чорва илмини ҳам яхши билади, ҳар қандай қўй ёки молнинг қанча юк босишини бир қарашда айтиб бера олади, нари борса бир, ярим кило адашиши мумкин. Қишлоқда қассобчилик қилганига ҳам қирқ йилдан ошган бўлса-да, бирор-та харидор гўшт олиб норизо бўлгани йўқ.

Бобомиз илм-маърифат, санъат, куй-қўшиқнинг ашаддий ихлосманди, газета-журнал, китоб ўқишни, мумтоз наволарни эшитишни ёқтиради. Бобонинг давраларда дутор чертиб, қўшиқ айтганини бир кўрсангиз эди!

Энди бобонинг дониш ва синчилигига келсак, исталган одамга бир қур назар ташлаш билан қайси элдан, уруғдан эканлигини, ҳатто ота-онасининг авлоду аждодларигача айтиб бера олади. Хуллас, яқин юз йилги воқеа ва ходисаларнинг тирик гувоҳи у. Қишлоқдошлар гоҳида бир воқеа ҳақида ёки кимнинг қайси уруғдан экани ҳақида баҳслашиб қолса, унинг ажримини Бахтиёр бобо ҳал этади. Шунинг учун ҳам одамлар уни



«Радио» хола

Норхол момо етмиш икки ёшда. Ўғилдан-ўғил, қизлардан қизи кўпайган пири бадавлат онахон. Унинг Аҳмад, Норбой, Абдирайим, Уктам, Акрам отли ўғиллари, София, Сония исми қизлари, Инобат, Нигора, Яхшигул, Нукра, Махлиё деган сариштали, чакқон келинлари бор.

Момонинг суяги меҳнатда қотган, ўн икки ёшдан нафақага чиққунча ҳўжалиқда ишлади, кетмон чопди, ғалла ўрди, пахта терди, пилла боқди. Саҳармардонда далага кетиб, шомда қайтди. Аммо, ўтган умридан нолимайди, барисига шўқ қилади. Китобга, илмга ўчилиги ва янгиликлардан бохабарлиги боис, кўни-қўшнилари, қишлоқдошлари уни радио хола деб аташади. У бунга хафа бўлмайди, жилмайиб қўяди.

Норхол момо уй тўридаги сандиқни очиб китобларни чиқаради. Кўпчилиги халқимизнинг улуғ мероси саналмиш дostonлар «Авазхон», «Тўрўғли», «Рустамхон» ва «Алпомиш»нинг икки нусхаси. У «Алпомиш»ни варақлайди-да, сўнгра кўзларини юмади ва оҳиста айта бошлади.

**Курру-ё кур, ҳайт-а,
тўрамнинг оти!
Оқ тўшим-яйловинг,
сочим шипиртки.**

Момо айтаверади, биз эшитаверамиз. Сўзларнинг сеҳрли садоси уйда шамол янглиғ айланаверади. Қанча фурсат ўтади, билмаймиз. Ниҳоят, у тўхтади. Кўзларидан оққан ёшларини енги билан артади. Ўртага ноқулай жимлик чўқади. Юрак ютиб унга сўз қотаман:

— «Алпомиш»ни ёд билар экансиз, бунга қандай эришдингиз? «Атай ёд олганим йўқ, ўқийвериб ёд бўлиб кетган, баъзан урчўқ йигирганимда ёки неварамнинг бешигини тебратганимда эсимга келса айтаман. Тагин шоира Момахол Элмуродованинг шеърларини яхши кўраман. Айниқса, қишлоқ аёлларига атаб ёзганларини. Бариси содда, юракдан чиққан, ёлғони йўқ.

Яна бир гап. Норхол момо уйда кўп ўтирмайди. Кўнгли чопса пенсия пулини чўнтакка солиб, келинининг посон қочқини қўлга олади-да Тошкент, Хоразм, Фаргона тарафларга томошага кетаверади. Эндиги нияти Нақшбанд ҳазратларини зиёрат қилиш учун қадим Бухорога...

Бўрижарлик «Робинзон»лар

Боғтепалик Абдирахмон тракторчини ҳамма танийди. Оиласи ҳам каттагина. Икки қизини турмушга узатди. Яна уч ўғли бор. Тўнғичи Анвар шаҳарда дўхтирликка ўқийди. Собирни ҳарбийда. Кенжаси Шавкатжон эса бекорчи — томорқага, мол-қолга қараб юради.

Барча кўргилик ўша, Ойсанам дўкончининг қизи Сарвиноз туфайли бошланди. Қиз кўрғур йигитчанинг у ён-бу ёнидан ўтиб, ўзига асир қилди-қўйди.

Сигирларига ўт олиб келаятган Шавкатни йўлда учратган қиз:

— Белингизда белбогингиз бўлса, шанбага қолдирмай совчи юборинг, онам билан гаплашдим, уч кун «срок» қўйди. Йўқса, Сарвинозингиз ўзгага кетади. Оғзингизни очиб қолаверасиз... — деди.

Қизнинг сўзларини эшитган Шавкат доврдираб қолди. «Тўғри айтаяпти, унга кўз тиканлар кўп. Ана Салим солиқчининг ўғли Хидир доим соясидек эргашиб юради. Отамга айтсам, «Хотинсирамай ўл», дейиши турган гап. Ахир, мендан аввал иккита акам бор. Яна эл-улус нима дейди, қолаверса, ортиқча мол-қолимиз ҳам йўқ».

Ўтган йили ғалла ўримида кўмаклашганда, тоғасининг ийиб кетиб, «Сени ўзим уй-

лантираман», деган гапи эсига тушди.

Шавкат шу хаёллар етагида тоғаси Содиқ фермернинг уйига борди. Хайрият, тоғаси уйда экан. Жиян уятни унутиб, йиғламоқдан бери бўлиб, бошига тушган ишқ савдосини сўзлаб берди.

Жиянининг сўзларини тинглаб бўлган тоғаси бирдан қаҳқаҳ отиб кулиб юборди ва йигитчанинг елкасига қоқиб деди:

— Маладес, йигит дегани шундай бўлиши керак. Дунёда ҳамма нарсани топса бўлади, лекин йўқотилган муҳаббатни топиб бўлмайди. Жиян, кўрқма, ёнингга тоғанг бор! Бир кунда ҳал қиламан, ўзим совчи бўлиб бораман. Фақат ота-онанга ҳозирча ҳеч нарса демай тур. Фақат яхшилаб дуо қил, билсанг, янганг яқинда қўзилайди. Илоҳим, ўғил бўлсин. Ушанда Содиқбой бир тўй берсин...

Шавкат тоғасига меҳр билан қаради, шундай мард, танги тоғаси борлигидан фаҳрланди, тоғасининг тўртта қизи бор, шуниси ўғил бўлсин-да...

Содиқ фермер кечқурун поччасиникига келиб, бир пиёла чай устида барчасини айтди. Эр-хотин эътироз билдирмоқчи бўлди. Бироқ Содиқ фермер оғиз очишга қўймади.

— Савоб иш қилмоқчиман, индамай туриглар, ахир тоғаман, шундайми?

Мезбонлар ноилож жим

қолишди.

Содиқ фермер ўша кун Ойсанам дўкончиникига бориб ҳамма ишни пишириб келди ва қайтишда яна поччасиникига тўхтади.

— Ҳаммаси ҳал бўлди, келин кутлуғ бўлсин, почча, опа, тўй кузда бўлади, унғача аёлим ҳам туғади, ўғил бўлса қўша тўй қиламан. Кўрқманг, барча харажат мендан, фақат аразламай борсаларинг бўлгани, — деб машинасини ҳайдаб кетди.

Ниҳоят, Содиқ фермернинг кунни туғди. Хотини кўчқордек ўғил кўрди. Фермер чақалоқнинг чилласи чиққач, гуриллатиб тўйини бошлаб юборди. Атай пойтахтга бориб, номдор ҳофизни олиб келди. Бир сўз билан айтсак, тўй Боғтепада битта бўлди.

Орадан икки ой ўтиб, қишининг охирида Содиқ фермер жияни Шавкатни чақириб сўз айтди:

— Хўш, жиян, энди кўнгилик жойига тушдимми? Бўлмаса бир вазифа бор. Тушдан кейин кўчқорни тракторга ортиб Бўрижарга кўчасизлар, ўша жойда бошпана бор. Ғаллага қарайсизлар, хуллас, алоҳида яшайсизлар.

Шавкат ўйланиб қолди. Бўрижар дегани овлоқ, гадоё топмас жой бўлса, бунга Сарвиноз нима дейди? Ёки отасиникига борсинми? Йўқ! Одам-

лар ҳолинг шу экан-да, деб кулишмайдимми? Йўқ, Бўрижарга боради, билагида кучи бор, қолаверса, тоғаси ҳам қараб турмас...

Тушдан сўнг Шавкатбой кўчди. Бўрижардаги бошпана аслида ҳашарчилар учун қурилганди. Эр-хотин аввал хоналарни тартибга келтиришди, тандир-ўчоқни таъмирлашди. Кечқурун эр хотинига деди:

— Сен товўқ-курка очирасан, мен жарликка тарвуз-қовун экаман.

— Сув йўқ-ку, — деди келинчак.

— Лалми экаман.

Ўша йили баҳор серёгин келди, ўт-ўлан тиззага урди, буғдой мўл бўлди. Жарлик эса тарвуз-қовунга тўлиб кетди.

Уларни Содиқ фермер харидор топиб келиб, яхшигина пуллаб берди. Келинчакнинг товўқ-куркаси ҳам Чимнинг бозорида қўлма-қўл бўлди. Жамғарилган пулга болали сигир, батареяда ишлайдиган митти телевизор, иш ҳақиға олган икки тонна доннинг ярмига Расул чўпондан саккиз бош эчки харид қилишди. Шавкатбой эса жарликда уя қўйган қўён ва тулкиларга тузоқ қўйишни ўрганди. Уларнинг терисини эса Шоди терифуруш талашиб-тортишиб олиб кетди.

Хуллас, Шавкат ва Сарвиноз рўзгори учун елкама-елка ту-

риб меҳнат қилди, тер тўқди. Шу орада тоғаси артезан қудуқ қаздирди, шу баҳона уларнинг уйига электр токи уланди.

Бугун ёш оиланинг тўрт бош сигир-бузоғи, эллик бош эчки-улоғи, товўқ-куркаси, ўттизга яқин қўёни, юк ташийдиган эшак-араваси ва иккита ити бор.

Кимдир яқинда Шавкатнинг бир арава мевали дарахт кўчатини олиб кетаётганини кўрибди. Ҳадемай, Бўрижарда боғ пайдо бўлса ажабмас...

Туман марказига машинада кетаётган Содиқ фермер тугунча кўтарган поччаси Абдирахмон тракторчи ва опаси Қумрини катта йўлда учратиб тўхтади.

— Қани, йўл бўлсин?

— Шавкатнинг қизи Лола неварамизнинг бугун туғилган кунини, Бўрижарга бораёямиз, — деди опаси Қумри жилмайиб.

— Эй, Робинзонларникига денг, — деди кулиб Содиқ фермер. Эр-хотин бу сўзга тушунмади.

Содиқ фермер жўнаб кетди. — Уканг нима деди, Робинзонми? Тавба, яна бир балони бошламоқчи, — деб қўйди Абдирахмон тракторчи иягини қашиб.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаши тумани



«...Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамisha эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Ислом КАРИМОВ

Масъуллик

салмоғи ва сабоғи

ота-онаси уни койи мади. Бола ўзини севадиган, ўз «мен» и ни ҳаммага сингдирган, айтганини қилдирадиган шахс бўлиб етишди.

Ота-она ҳатто ўғли ишга кирганида қанча маош олишини, пулини нималарга сарф қилишини сўраб-суриштириб ўтирмади ҳам.

Ота-она ҳавас қилиб, орзу-умидлар билан болани уйлантирди.

Энди уни тергайдиган, қаерда, кимлар билан юришининг ҳисобини сўрайдиган жуфти ҳалолли бор. Назоратга кўникмаган, оила бюджет, мажбурият нималигини ўрганмаган эр хотинининг талабларига бепарво бўлади. Хотини бўла туриб, ўзидан катта аёллар билан юришга одатланган бу йигит эски одатини такрорлайверди. Оилада можаро чикди. Бола ўзини севиб, ўзгаларни севиш нималигига ўрганмаганлиги туфайли оила барбод бўлди, эр хотинсиз, хотин эрсиз, фарзанд отасиз қолди.

Ачинарли ҳолат шундаки, хотин бечора дардини кимга айтишни билмасдан ичига ютиб кундан кунга сўлиб, «боламга ота керак, чидашим шарт», деб ўйласа, эр «қаерга ҳам борар эди, оиласига энди сизгамайди, мендан кетиб, бошқа эрга тегадими?» дея аёлини қийнаб роҳатланади. Инсон

олий мавжудот, унинг устидан ҳукронлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Суд амалиётдан қанчадан-қанча мисоллар келтириш мумкин: қийноққа чидамасдан ҳаётдан бевақт кўз юмиб кетган, эридан калтак еб, бош мияси шикастланиб, даволаб бўлмайдиган касалга учраган ёки ақли заиф бўлиб қолган хотинлар ҳақида.

Бизни доим бир савол қийнайди. Нега қайнона ва қайнота фарзандига: «Хотининг билан яшашни истамасанг ҳайда, сенга онаси ўлмаган бошқа қизни олиб берамиз», деб талтайтиради.

Айрим болалар телбаларча телеэкранга ёпишиб қолган. Дарс тайёрлаш, уй ишларига кўмаклашиш уларга ёт. Болалар ўртасида номусга тегиш, одам ўлдириш, баданга қаттиқ шикаст етказиш каби жиноятлар ҳам улар кўрган «Ужас», «Терминатор» каби кинофилмлардан олган таассуротининг натижасидир. Бундан ташқари, болалар сериаллардаги қаҳрамонларга тақлид қилиб кийиниш, уларга ўхшаб яшашни кўр-кўрона ҳавас қиладилар. Бир пайтлар «Фонтанас» киносини кўриб, филм қаҳрамонининг қилмишларига ўхшаб жиноятлар ҳам кўпайиб кетган эди.

Айрим вақтда ёшларнинг кийинишига қараб, «Буларнинг ота-онаси борми?» деган савол исканжасида қоламиз? Кўчада бир қизнинг ярим-яланғоч, очиқ-сочиқ кийинганини кўриб, орқасидан кузатиб бораётган икки йигит унга гап отди. Тегажоклик ҳам қилишди. Мен яқинлашиб, қизнинг танишидек ўзимни тутдим. Йигитлар чекланишди. Сўнг қизга савол бердим: «Ота-онанг борми? Бирга турасанми? Бу юришингга улар қандай қарашади?» Қиз менга «ота-онамга шу юришим ёқади», деди.

Маълумки, бундай кийинган қиз-

лар хорижда кўча-қуйда, ресторанларда тан савдоси билан шуғулланувчилардир. Бу уларнинг хизмат кийими ҳисобланади.

Суд жараёнидан бир мисолни келтирмоқчиман. Ёши энди ўн тўртга кирган бола бир кишига оғир тан жароҳатини етказди. Боладан, нима сабабдан бундай қилганини сўрашганда, у шундай жавоб беради. «Отам ҳар кунни онамни уради, қийнайди. Нега у жазоланмайди-ю, мен эса жазоланишим керак»? Кўриниб турибдики, боланинг бировларга нисбатан бемехр бўлишида отаси айбдор. Лекин қонун отасини эмас, болани жазолайди. Балки жиноят қонунчилигида, агар вояга етмаганларнинг жиноятида ота-онаси ёки бошқа катта ёшдагилар таъсири бўлса, уларга ҳам жазо чорасини кўриш керакдир.

Аёл оила бекаси сифатида ўзининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириши лозим. Она фарзандининг билим олиш ҳуқуқига эга эканлигини билиб унга ёрдам бериши керак. Бу ҳуқуқ «Таълим тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда белгиланган. Республикада узлуксиз таълим тизими жорий этилган. Масалан, ҳуқуқий билим мактабгача таълимдан бошланиб, олий таълим билан яқунланади. Шу тариқа ёшлар 346 соатдан ортиқ ҳуқуқий билим оладилар.

Соғлом фарзанд соғлом оилада, соғлом ота-онадан туғилади. Соғлом муҳит бўлиши учун биринчи навбатда оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги, маданиятини шакллантириш, иккинчидан, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ муносабатларига чек қўйиш, учинчидан, бола тарбиясида ота-она масъулиятини кучайтириш шарт.

О.КАРИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган халқ таълими
ходими, профессор

Оғриқ нуқта

Кутубхоналар жуда қадимдан мавжуд. Улар асосан қирол, хонлар саройида ташкил этилиб, ундан фойдаланувчилар ҳам фақат сарой олимлари, шоирлари ёки ҳукмдор саховатидан баҳраманд бўлган маълум доирадаги кишилар бўлишган.

Бугунги даврга келиб, кенг жамоатчилик учун умумий кутубхоналар хизматда. Шунингдек, алоҳида меҳр ва қизиқишга эга кишилар томонидан шахсий кутубхоналар ҳам ташкил этилмоқда. Масалан, Миллий университетнинг марҳум домласи Шамсиддин Шукуров ана шундай кутубхона ташкил этганлардан эди. Умри давомида жамлаган китоблари шу қадар кўп бўлганки, махсус муҳр билан китобларига ушбу сўзларни босган: «Шамсиддин Шукуров шахсий кутубхонаси». Устоз ўзларининг ноёб хазиналаридан тилшуносликка оид қисмини кафедрага ҳадя қилганлар.

Бу каби гапларни эшитганда, китобга бўлган эътибор, ҳурмат ҳақида беихтиёр ўйлайсан.

Хозирда ёшлар китоб ўқишга шайми, умуман, кутубхоналарга боришга шайми, деган саволларни муҳокама қилгинг келади. Чет элда таҳсил олаётган дугонам менга Америкадаги тунги, тўғрироғи, 24 соат давомида узлуксиз ишлайдиган кутубхоналар ҳақида айтиб қолди. Европанинг Нидерландия давлати ёшларини соат 22.00 гача хизмат кўрсатадиган кутубхоналар қониқтирмас экан. Демак, бу давлатларда китоб ўқийдиганлар, китобдан фойдаланувчилар анча миқдорни ташкил этади.

24 соат узлуксиз ишлайдиган кутубхоналар ҳақида эшитганимда, бунинг бизда бўлишини орзу қилганим йўқ. Сабаби, бу бизнинг менталитетимизга тўғри келмайди. Чунки ота-оналари-

миз кечаси кутубхонада бўлишимиздан кўра, уйда, улар ёнида бўлишимизни хохлашади. Фақат ўйлаган нарсам шу бўлдики, аждодлари билим олиш учун Чинга пиёда боришга тайёр бўлган, кечалари чирок, олов ёруғида китоб мутолаасига берилган буюк халқнинг авлодлари кундузлари бўлса-да, кутубхонага боряптилармикин?!

Кутубхонада заҳматлар эвазига топилган эришилган билимлар жамланган. Шу боис бу масканнинг ўз ҳиди, ўз товуш ва сирли овози бор. Ана шу ҳиссиётни туйиш, билимлар билан бўйлашиш истаги ҳар бир инсонга, умрининг ҳар дамида ҳамроҳ бўлсин. Зеро, кутубхоналар — муқаддас маскан.

Озода САРАФРОЗ





Қарши куда

(қиссадан парча)

Хар бир халқ турмуш тарзида ўзига хос урф-одат, қадрият, ма-
росим-маъракалар бўладики, улар халқнинг маиший ҳаётида
чуқур из қолдиради, шу билан бирга бугуни ва келажакка ҳам
таъсир қилади. Туркман адиби Берди Кербобоевнинг «Қарши куда»
қиссаси ана шундай ижтимоий аҳамиятга эга асарлардан ҳисоблана-
ди. Қуйида асардан парча ҳавола этилмоқда.

Бу воқеа тахминан бун-
дан ўн беш йил илгари Та-
жаннынг узок бир қишлоғи-
да бўлиб ўтганди... Ўрта
бўйли, чўққи соқолли,
қорамағиздан келган, ду-
малоқ юзли Черказ оқвакил
уруғидан бўлиб, ўзи зўрға
кун кечирадиган жўжабир-
дай жон, ғариб бир деҳқон
эди. Ер-суддан улуш олган
бўлса-да, бўйинини гоздай
кериб, қадамни кенг таш-
лашга қурб етмасди. Бир
йили уруғ топа олмай, ерга
сепдингми-сепдим деган-
дай озгина ғалла сочса,
баъзан уруғ топган йилла-
ри сув етмай қоларди. Хул-
лас, ҳар йили деҳқончилик
қилиб, хотини, вояга етган
ўғли билан биргаликда
меҳнат қилганларига қара-
май, бу йилдан кейинги
йилга ит азобида зўрға
судралиб етиб оларди.

Оиладаги катта ўғил
Дурди вояга етганига анча
вақт бўлган эса-да, Черказ
ўғлини уйлантиришга им-
кон тополмасди. Эҳ-ҳе, тўй
қилиш осон эканми? Келин
олмоқчи бўлсанг, унинг
учун қалин тўлаш лозим.
Йилда бир марта уст-бо-
шини янгилай олмаган
оила учун ейдиган нон-ош
топишининг ўзи бир машақ-
қат. Унинг ўғлини уйланти-
риш учун бирдан-бир
ишончи, фақат биргина кўз
тутгани — иккинчи ўғли Са-
хидан кейинги Ажаб исмли
қизи. Черказ ўйи шу эдики
— ўн икки яшар Ажаб ҳали
вояга етиши керак, сўнгра
уни эрга бериш керак, ана
ундан кейин, насиб қилса,
Дурдига келин излаш ке-
рак...

Бу ўйнинг давомини
ўйлашга Дурдининг тоқати
етмасди. Унинг тенгқурла-
ри аллақачон йўлини топиб
уйланишган, ҳатто бир не-
чалари алоҳида уйли-жой-
ли, ўғил-қизли бўлишганди.
Дурди эса ҳалигача буйдоқ
юрибди.

Дурди, соқолини қайчи
билан қирқавергани сабаб-
ли, иягининг паст томонла-
рини ғуж-ғуж қора чумоли

босгандай, ўзиям қорача-
дан келган бир йигит. Тов-
ланган мўйлови иккала
ёногининг суягигача бориб
етган. Қошларининг ораси
бир оз очиқ бўлгани учун
қора кўзлари янада катта
ва ўткир туюлади. Кейинги
пайтларда ўша кўзларда
қандайдир норозилик,
қониқмаслик аломатлари
кўрина бошлаган...

Дурдининг кайфияти бу-
зилиб юргани барчага аён
эди. У чакмонини елкасига
ташлаб, телпагини қийшиқ
кийиб, кундан-кунга жахл-
дор кўринишга эга бўлиб
борарди. Йўқ нарсадан ба-
ҳона қидириб, жанжал
қилар, иниси ва синглиси-
га сабабсиз бақирар, она-
сига ҳам турли-туман озор-
лар берар, сўнги вақтлар-
да унинг бу қилиқлари ота-
сига ҳам малол кела бош-
лаганди. Ҳатто, отаси унинг
исмини айтиб чақирганда,
тўнини тескари кийиб, овоз
бермас, буюрилган ишни
вақтида бажармасди. Бу-
нинг устига мақсад-бемақ-
сад саёқ юраверадиган
одат чиқарганди.

Дурдининг тўнни бата-
мом тескари кийиб олгани-
ни фаҳмлаган Черказ хоти-
ни билан ҳар қанча масла-
ҳатлашмасин, бирор фикр-
га келишга ожиз эдилар.
Кимлар биландир қарши
куда бўлиш йўлида чор-ат-
рофдаги таниш-билишлар-
ини ишга солишди. Аммо
вояга етган қизни ўн икки
яшар қиз билан ўрин ал-
маштирадиган маъқул жой
топилавермади. Хуллас,
Черказнинг камбағаллиги
устига ўғлининг ортиқча
қилиқлари ўлганнинг усти-
га тепган бўлди...

...Дурди уйлангандан
кейин бир неча ой ўтгач,
унинг ёшгина 12 яшар
синглиси — Ажабни ҳам
қарши куда бўлган жойига
олиб кетишди. Ажаб ҳали
ёш бўлса-да, онасининг
топшириғига кўра, ўзини
вояга етган қиз боладай
кўрсатишга ҳаракат қилар-

ди. Келин бўлиб борган
жойида янги либосларга
ўраниб, уйнинг тўрида
осиғлиқ турган гиламга ор-
қасини бериб индамайги-
на, жиддий ҳолда ўтирар-
ди. Уни кўришга келган
аёллар қиз билан кўришар
экан:

— Туф, туф! Ёмон кўздан
сени Аллоҳнинг ўзи асра-
син! — деб, юзига тупик
сачратишарди. Ажабнинг
тўйи ҳам қичкинагина дав-
рада ўтди.

Бу — тўй ҳам эмас,
бўлдим-бўлди қабилдаги
бир тўйчиқ эди, холос. Айт-
гандай, Ажабнинг бўлажак
эри Оғали ҳам ҳали вояга
етган эмас. У эндигина ўн
бешга кирган ёш ўсмир.
Қишлоқдаги йигитчалар
тўйнинг эртасигаёқ унинг
атрофини ўраб олиб, тур-
ли-туман саволларга кўмиб
ташлашди. Бири:

— Қани, полвон, келин-
нинг юзини кўрайлик, чи-
роқлими, йўқми? — деб уни
шошилтириб қўйди. Бошқа
бири унинг ёқасидаги бо-
ғични шартта ечиб олди-да:

— Бор, хотинингнинг
ёнига! Янгидан боғич ўтка-
зиб берсин! — деб мазах
қилиб кулди.

Бири унинг бошидаги
телпагини юлиб олиб, пан-
шахага илдирди-да:

— Келинга айт, уни
олиб бошинга ўзи кийди-
риб қўйсин! — деб ёш куёв
устидан роса кулишди.

Тенгдошлар-у катталар
ҳали турмуш машаққатлари
нима эканлигиниям яхши
билмаган ёш йигитчани
тинч қўйишмай, ана шун-
дай қийнашарди.

Оғали бундай вақтларда:

— Эй, боринлар-ей, бун-
ча озор берасанлар менга! —
деб юзини ерга қаратарди.

— Буни мажбурлаб уй-
лантиришган-да, уйидагил-
лар!

— Э, нимасини айтасан,
унинг келинга кучи ҳам ет-
майди-ёв!

— Ёрдамга онангни ча-
қирмайсанми? Озорга қол-
масдинг!

Оғали бундай пайтларда
тинимсиз озору мазахларга
чидасмай, бирданига
ўтирган жойидан дик этиб
туриб, бориб келинга
ёпишгиси келарди. Ажаб
ҳам ўзини унга кўрсатмас-
ликка ҳаракат қилар, ёпин-
чигига маҳкам ёпишарди.
Оғали Ажабнинг бўйнидан
маҳкам кучоқлаб, рўмолини
ечмоқчи бўларди. Уларнинг
ҳар иккаласи ёш жўжаҳў-
роздай талашиб-тортишар-
ди. На Оғали келиннинг
юзини очолар, на келин
ўтирган жойида роҳат то-
парди...

Бошқаларга ёш келин-
куёвнинг ўша кулгили ҳола-
ти керак. Улар куёвни ма-
зах қилишни яна қайтадан
бошлаб юборишарди.

Оғали баъзида лаблари-
ни буриб, «вой, ойижон-
ей!» деб, додлагиси кела-
ди. Аммо йигитлик ор-но-
муси (уйлангани учун у
ўзини тенгдошларидан ба-
ландроқ тутишга ҳаракат
қиларди) бунга имкон бер-
масди.

Ажаб ҳам ўзи ўтирган
жойини қафасдан ортиқ
кўрмасди. Ҳозир унинг тур-
мушга чиққан қизлар бо-
шига киядиган махсус
кийимини бир четга таш-
лаб, ўзининг тенгқур дуго-
налари билан ўйнагиси ке-
ларди. Оғали бўйнидан
кучоқлаб бўғганида «вой,
ойижоним-ей!» деб қичқир-
гиси келарди. Бироқ келин
бўлгани учун ҳаё-уят ҳисси
бунга йўл қўймасди. Ёшлар
турмуш лаззатидан ҳозир-
ча узокроқ бўлгани учун то-
монлар келишиб, Ажабни
ота уйига қайтаришди...

Дурдининг ҳаёт тарзи
бугунлай ўзгача кечмоқда
эди. Улкан қора уйнинг
тўрида бошига келинлар
киядиган қизил ёпинчиқ
ўраган, турмушидан кўнгли
тўқ келин Дурдининг кўзи-
га ниҳоятда суюкли кўрина-
ди. Дурдининг теварак-ат-
рофига йиғилган ёш-яланг-
лар бугун ҳам уни синаб
кўришни мақсад қилишган.
Улардан бири ўрнидан ту-

риб Дурдининг телпагини
ёнбошда турган паншахага
илдирди ва ҳеч нарса де-
май яна жойига бориб
ўтирди.

Естикқа ёнбошлаб ётган
Дурди ўрнидан кўзгалмай,
мўйловини бураб деди:

— Хотинжон, булар ик-
каламизни синамоқчи. Сен
мени кўзгатмагин-да,
уларнинг истагини ўзинг
бажаргин!

Дурдининг хотини гўзал
Ободон ёш йигитларнинг
бу ҳазилини тушуниб, эри-

нинг айтганини дарҳол ба-
жарди. Телпакни паншаха-
дан олиб, уни яна Дурди-
нинг бошига олдин қандай
турган бўлса, шундай кий-
дириб қўйди. Йигитларни
бири дик этиб ўрнидан
турди-да, энди Дурдининг
ёқасидаги боғични ечиб
олди.

Дурди яна ўз ҳолатини
ўзгартмай, олдинги оҳангда:

— Хотинжон, булар-
нинг хоҳиси иккаламизни
уриштиришдан иборат, —
деди. — Иккаламиз улар-
нинг фитнасига учмаймиз.
Ёқамдаги боғичнинг баҳо-
си қиммат эмас, сен меҳ-
натдан қочмагин-да, янги
боғични ёқамга илдиргин!

Дурдининг хотини игна-
га дарҳол ип ўтказди-да,
келинлар киядиган бош
кийими билан юзини пана
қилганича, оёқ устида ту-
риб боғич тикди. Дўстла-
рининг қилиқларини яхши
билган Дурди баъзан
улардан айтмоқчи бўлган
фикрларини айтмай тури-
боқ амалга оширди...

Ажабни олиб келганлар
Ободонни ҳам ўзлари бил-
лан қайтариб олиб кетиш-
ди. Қудажонлар, қизимиз
Ободонни бизлар бир-
икки ҳафта ўтгач, орқаси-
га қайтарамиз, деб урф-
одат бўйича ваъда бериш-
ди. Бироқ турли баҳона-
лар топиб, хусусан, Дур-
дининг чўғ босган жўжа-
дай типирчилаб, жон куй-
диришларига кўра, қизни
қирқ кунлаб уйларида ту-
тиб ўтиргач, ниҳоят орқа-
сига қайтариб юборишди.

...Камбағал оилалардан
юзага келган қарши куда-
ларнинг қарши келинлари
ўзларининг уйларида тур-
мушга чиққанларидан кей-
ин ҳам икки йил давоми-
да бинойидек яшашди. Бу
орада ҳар ким ўз қизига
имкониятидан келиб чи-
қиб сеп қилди. Қуда то-
монлар қурблари етгани-
ча келинларига кийим-ке-
чак, узук, сирга каби нар-
саларни олиб беришди.

Ажаб ҳам эндиликда
вояга етай деб қолганди.
Оғалининг мўйловлари
қорайиб, овозлари дўрил-
лаб, йигитликнинг сирли
оламига кирди...

1928
Туркман тилидан
Машариф
САФАРОВ ва
Музаффар АХМАД
таржимаси

Ўзбекистон — полиомиелитдан холи ҳудуд

Фарзанд саломатлиги ота-онанинг, эл саломатлиги эса миллатнинг бойлигидир. Касалликнинг барчаси хавфли. Аммо юқумли хасталиклар ҳақида гап кетганда, бу кўлам янада кенгайди. Жорий йилнинг 18-23 апрел ва 23-28 май кунлари республикада миллий эмлаш кунларининг 5-6 босқичи ўтказилиши ҳам юртимизда шол касаллигининг олдини олишга қаратилган муҳим жараёндир. Бу галги эмлашда 5 ёшгача бўлган 2,9 миллион бола қамраб олинади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши, эпидемик вазият барқарорлигини таъминлаш имконини бераётди. Айни пайтда полиомиелит, дифтерия каби ўта юқумли хасталиклар юртимизда қайд этилмапти. Вирусли гепатитнинг В тури, қизамиқ, қизилча, кўкйўтал, тепки сингари вакциналар орқали бошқариладиган юқумли касалликлар ҳам жуда кам учрайди.

Полиомиелит (ўткир шол) касаллиги 1980-90 йилларда Ер юзининг бир қанча мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистон ва қўшни ҳудудларда ҳам қайд этилган. Аксарият ҳолларда мазкур хасталик билан оғриган бемор болалар умрбод ногирон бўлиб қолишади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу касалликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, миллий эмлаш кунлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Йилига икки марта оммавий эмлаш кунларининг ўтказилиши натижасида 1996 йилдан буён юртимизда бу касаллик кузатилмаган. Амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудуд» деб эътироф этилди.

— Миллий эмлаш ҳудудларда изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди Давлат санитария ва эпидемиология нazorати маркази матбуот маркази раҳбари Нуриддин Тошбоев. — Жорий йилдаги эмлаш жараёнига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ЖССТ ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари кўмағида Белгиянинг «GlaxoSmithKline» компаниясида ишлаб чиқарилган етти миллион бир юз олти минг тўрт минг доза шол касаллигига қарши вакцина олиб келинди. Вакциналар «совуқлик занжири» қондалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология нazorати марказларига етказилди. Хавфсиз эмлашни ташкил этиш ва ўтказиш, касаллик бўйича ҳушёрликни ошириш, хасталик клиникаси, ташхиси ва даволаш борасида барча маъмурий ҳудудларда тиббиёт ходимлари учун махсус семинарлар ўтказилмоқда.

Эмлаш жараёни самарали ўтказиш мақсадида республика бўйича 8600 га яқин эмлаш бригадаси ва 10 000 дан зиёд эмлаш пункти ташкил этилди. Бунга махсус тайёргарликдан ўтган 9 мингдан ортиқ шифокор, 32 мингга яқин эмлаш ва патронаж ҳамшираси ҳамда мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари ходимлари жалб этилган.

Наргиза АСАДОВА

Қалампир бир йиллик, бўйи 30-60 см. гача етадиган ўсимлик. Барги оддий, тухумсимон, ўткир учли ва гуллари оқ. Меваси камсувли, қалин пўстли ва кўп уруғли. Навларининг меваси ялтироқ, қизил ва сариқ рангли, мазаси аччиқ ва чучук бўлади.

Қалампирнинг ёзишга арзигулик тарихи бор. Эрамининг II асри бошларида гармдори (қалампир) қумуш қатори қадрланган. Кўпгина шаҳарлар, давлатлар, олди-бердида ундан қимматбаҳо металл ўрнида фойдаланган. Гармдориға ер харид қилиш, уни сеп эвазига бериш, унинг эвазига фуқаролик ҳуқуқини сотиб олиш мумкин бўлган. Урта асрда бировнинг жуда бой эканлигига нисбат бериш учун «Гармдори қоли» деган ибора ишлатилган.

Дардга даводир қалампир

Қалампирнинг асосий нав ва турлари Мексика билан Гватемала марказий туманларида ўсади. Бу ерлар унинг ватани. Ҳозирги пайтда қалампир ҳамма жойда ўстирилади. Улар мевасининг тузилиши, ранги ва аччиқлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Меваси таркибида қанд, оксил, эфир мойи, С, каротин, В, В₂ каби дармондори, алкалоид ва микроэлементлар (натрий, калций, темир) сақлайди.

Қалампир таркибида «капсаинин» деб номланган фойдали алкалоид бўлиб, у инсон танасидаги сув ва ёғларни нормаллаштириш хусусиятига эга. Халқ табобатида қалампир ел ҳайдовчи, иштаҳани очувчи омил сифатида қўлланилади. Янги қалампир мушаклар оғриганда қўйилади. Мабодо, янги қалампир бўлмаса, қуритилган қалампирни қуқун холига келтириб, илиқ сувда аралаштирилади ва оғриб турган бўғимга суртилади. Қалампирда юрак, мия иш фаолиятини кучайтириш, таом ҳазмини яхшилаш ва пешоб ҳайдаш хусусияти бор. У йўталда, қорин дам бўлганда фойдаланилади. Замонавий табобатда у парҳез ва доривор сифатида ишлатилади. Қалампир мевасидан спиртли эритма, суртма малҳам тайёрланади.


Подаграда аччиқ қалампир 1 миқдорда ва 70 фоизли спирт 5 миқдорда олиниб, 7 сутка қоронғу жойда сақланади. Бу аралашма оғриқли жойларга суртилади. Бод касалида 2 дона қалампир 1,5 стакан на-

шатир спирт билан аралаштирилади ва 2 ҳафта қоронғу жойда сақланади. Вақти-вақти билан аралаштириб туриш лозим.

Бўғинлар оғриганда, бод ва шамоллашдан оғриқ пайдо бўлганда аччиқ қалампирдан қуйидагича суртма тайёрлаб фойдаланиш ҳам мумкин. 30 гр. аччиқ қалампирга 200 гр. 70 фоизли тиббий спиртдан солиб 2 ҳафта салқин жойга қўйилади. Сўнг 1:3 таркибда, яъни тайёр шарбатнинг бир қисмига уч қисм ўсимлик мойидан қўшиб суртилади.

Аччиқ қалампирдан ташқари ширин қалампир ҳам бор. У камқонлик, кучсизлик ва дармондори камлигида қўлланилади. Ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди. Тиббиёт олимларининг аниқлашича, ширин қалампирнинг таркибидаги Р витамини қон томирлари учун энг зарур доривор ҳисобланади. У қандай ҳолатда истеъмол қилинишидан қатъи назар инсон танаси учун фойдали. Агар 50 грамм ширин қалампир истеъмол қилсангиз, танангиз учун зарур бўлган бир суткалик витамин С ни оласиз.

Қизил қалампирни шифокорлар ҳолсизланиб қолганларга қувват сифатида тавсия этади. Сабаби, таркибидаги цинк моддасининг ва С витаминининг миқдори бошқадагилардан кўпроқ бўлиб, фойдаси ҳам танада тезда сезилади. Ичак оғриқларида ширин қалампир ва сабзи шарбати тенг миқдорда ичилади. Доғларни кетказишда ширин қалампир ва сабзи шарбатини олиб, доғларга суртилади.



Бош мия склерозидида ҳар куни қизил қалампир тановул қилиш керак.


Кўриш қобилияти, кўзлардаги қон айланиш системасига жудаям ижобий таъсир қилади. Эрталаб оч қоринга бир-икки дона ширин қалампир истеъмол қилинса, кўзлар равшан тартади. Компютерда доимий равишда ишловчилар ҳар куни бир неча дона ширин, айниқса, яшил қалампирни еса, кўзларига фойда қилади.

Юздаги ҳар хил доғлардан (ҳомилдорликдан ёки бошқа сабаблардан орттирилган) қутулишни истаганлар нонушадан олдин ярим стакан сабзи сувиға ярим стакан ширин қалампир сувини қўшиб ичади. Бир неча кундан сўнг юз териси тиниқлашади.

Аммо қалампирни фойдали экан, деб кўп истеъмол қилиш ҳам мумкин эмас. Бавосил хасталигига чалинган беморлар қалампир еса, қон келиши кучаяди. Меъда, ичак яраси бор, жигар ва буйрак хасталигига дучор бўлган кишиларга аччиқ қалампир тавсия этилмайди.

М. МИРЗАМИРОВ

Новвот — шифобахш неъмат



Матбуот хабарларига кўра, Ҳиндистонда қандолат дарахти ўсаркан. Бу дарахт фанда «ховения дулицис» номи билан юритилади. Ватани Хитой ҳисобланса-да, табиий ҳолда Ҳиндистон, Япония, Бангладеш, Корея ярим оролида ҳам учрайди. Қандолат дарахтининг бўйи 20 метргача боради. Шохлари ёйиқ, барглари ялтироқ, гуллари кўкимтир рангда. Мевалари мунчоқдек тизилиб туради. Мева банди нисбатан йўғон бўлиб, ҳосил етилиши жараёнида мева таркибидаги крахмал қандга айланиб боради ва шира тартади. Ундан халқ табобатида астма, кўкйўтал хасталикларини даволашда қўлланилади. Мевабанднинг яна бир хосияти, спиртли ичимликдан маст бўлган киши уни истеъмол қилса, тезда ҳушёр тартади.

дай таърифлаган: «Шакарқамишнинг табиати шакарникига қараганда кучлироқ юмшатувчидир...»

Табарзад (новвот) совуқроқ ва латифроқдир. Умуман, у биринчи даражанинг охирида иссиқ ва ҳўл. Эскиси қуруқликда биринчи даражага яқин, янгиси биринчи даражада ҳўл, эскирган сари қурий боради.

Юмшатувчи, тозаловчи. Сулаймонийсининг юмшатувчанлиги кучлироқ бўлади, хусусан, каллақанд ва «қамиш асали»ники (шакар қамишининг суви) кучлироқ. Елимга ўхшатиб қамишдан олинган шакар кўзни тозалайди. Кўкракни юмшатиб, ғижиллашини кетказди...»

Шакарқамиш суви қайнатиб, қиём ҳолига етгач қуритилади. Ана шуниси шакарга айланади. Шакардан оқ қанд тайёрланса, ундан тиббиётда май, шароб ва агар новвот тайёрланса, сулай-

моний шакари дейишади. Унинг шифобахшлилик хосиятлари талайгина: халқум, кўкрак ости аъзолари ва ўпкани юмшоқ қилади ва шунингдек, ушбу аъзоларни рутубатлардан тозалайди. Жигарга қувват бағишлайди, ичак бодлари, жинсий аъзога қувват, тоза қон ҳосил қилиш, асаблар, суякларга куч бағишлаш ҳамда беморларга озуқа беришда тез таъсир қиладиган даво ҳисобланади. Ҳар куни 25 грамм новвот майдаланиб суртилса, йўтал, овоз бўғилиши, кўкрак ости аъзолари дардларига даво.

Новвот кунжут ёки қамиш қанди билан ейилса, эрлик уруғини кўпайтиради. Новвот сано уруғи билан истеъмол қилинса, ҳазми яхшироқ бўлади. Туйилган оқ қанд ва новвот тановул қилинса, кесилган аъзо ва жароҳатдан кетаётган қонни тўхтатади.

Сепилса ҳам шундай таъсир қилади.

Новвотни куйдириб, тутуни димоққа тутилса, тумовни бартавроқ этади, буруннинг беркилиб қолган тешиги очилади. Агар новвот анча эски бўлса, бадандаги фойдали моддаларни кучсизлантиради, қонни қиздиради. Бунда зарарларни ислоҳ қилишда ширин бодом, янги соғилган сут, анор ва беҳи суви каби шифобахш неъматларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кишиларда, «асал есам, аллергия бошланади, унинг ўрнини новвот босадими?» дея савол туғилиши табиий. Асал глюкозага бой саналади. Асал қандай таъсир қилса, новвот ҳам шундай таъсир қилади. Тенг миқдорда арпабодиён, бодом маъзига новвот қўшиб аралашмани ҳар куни 2 маҳал таомдан олдин истеъмол қилинади.

Бир чақмоқ новвот олинадидея ярим литр сутни илтиб, бир дона тухум, ярим чой қошиқда сариеғ солиб аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳамдан 2 маҳал илиқ ҳолида ичилса, шамоллашда эм бўлади.

Новвотни бир кунда бир марта истеъмол қилиш миқдори 100 граммдан ошмаслиги керак. Кези келганда айтиш жоизки, новвот ранги турлича бўлади: оқ, сариқ, тўқ сариқ. Ана шулардан оқ рангли новвот шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу гаройиб дарахтни диёримиз ша-роитида уруғидан кўпайтириш мумкин экан.

«Мозийдан иш кўриш хайрлидир», дея юқоридаги қанд дарахтини бежиз қаламга олмадик. Нега деганда, диёримизда ҳам қанд тугувчи ўсимликлар бор. Фақат кишилар эътиборидан четда қолган. Ота-боболаримиз шакар қамиш ўсимлигини яхши билишган. Яқин-яқинларгача канал, сой бўйларида ўсувчи шакар қамишни олиб, поясини сўриб (шимиб) юрар эдик. Мазаси тотли бўлар эди.

Шакарқамиш ўсимлиги борасида буюк аллома Абу Али ибн Сино шун-

Экологик экспертиза

Мамлакатимизда табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг экологик хавфсиз йўллари топиш масалаларига алоҳида эътибор берилляпти. Бунда экологик экспертиза муҳим аҳамият касб этади. У экологик асосланган хўжалик қарорларини амалиётга татиқ этилишини таъминлайди. Йирик корхоналар, иншоотларни барпо этишда табиий муҳитга кўрсатиладиган таъсирни ҳисобга олиш имконини беради. Режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятларнинг экологик талабларга, қонунчиликка мувофиқлиги ҳамда иншоотларни қуриш, ишга тушириш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлайди.

Экологик экспертизани амалга ошириш учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий механизмлар шаклланди, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 24, 25 ва 27-моддаларида экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Бирок, мавжуд экологик шароитлар соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

заруратини туғдирапти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Лойиҳа мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлифларни ўз ичига олган. Жумладан, лойиҳада экспертиза натижаларининг ошқоралигини, уни ўтказишда кенг жамоатчилик фикрининг инобатга олиншини таъминлайдиган қонун механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган. Экспертиза ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва унинг натижалари оммавий ахборот воситаларида берилиши шарт бўлган объектларнинг рўйхатини ишлаб чиқиш ва унинг ким томонидан тасдиқланиши мавжуд қонун моддаларида кўзда тутилмаганлиги 6-модданинг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

Экспертиза буюртмачиси ҳуқуқлари қаторига, экологик экспертиза объекти жойлаштирилиши мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган ҳудуднинг экологик ҳолати тўғрисида маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда буюртмачилар томо-

нидан лойиҳачи ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ҳақиқий ҳолатга мос келмаслиги, материалларнинг тўлиқ эмаслиги, уларнинг ишончилиги ва сифати талаблар даражасида бўлмаслиги каби ҳолатлар, афсуски, ҳамон учраб турибди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқлари назарда тутилган 9-моддага ўзгартишлар киритиш тавсия қилинмоқда.

Сир эмаски, кўплаб ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмаган объектлар учун ер майдонни танлаш ва ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилмоқда. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли ўзгартишлар тақлиф этилмоқдаки, бу билан ҳокимликлар томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, турли хил объектлар қурилиши учун ер майдонларини танлаш ёки ажратиш тўғрисидаги қарорларнинг чиқарилишига чек қўйилади.

Қонунчиликда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби аниқ баён этилмаганлиги ушбу



институт самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши инобатга олиниб, шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчиликда жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга имкон яратади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади ва маҳаллий экологик муаммоларни ҳал этишда юқори самара беради.

Тоҳир ТОШБОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

Одатда бу беозор жониворлар инсон қадами етмайдиган баланд қоя, тоғу тошларни макон қилганлигидан камдан-кам ҳолларда кўзга ташланади. Унинг иккига ажралган туёқлари қияликларда мувозанатни сақлаб, чакқон ва кучли ҳаракатланиш имконини беради. Баланд ҳарсангтош, чуқур жарликлар ҳам унга писандмас. Бундай шароитга санокли жониворларгина мослаша олади.

Қорлар эриб, баҳор нафаси уфуриб, кунлар исиб, чор-атроф чаманзорга айланганда бизда Ойқорга саёҳат қилиш истаги пайдо бўлди. Бошни айланттирувчи тик қоя бўйлаб борарканмиз, олдинда бизни осмонўпар тоғлар жозибаси, ҳаяжонли лаҳзалар кутарди. Қотмадан келган, чайир жуссали Расул амакига бу жойлар беш кўлдек маълум. Унинг турмуш тарзи табиат билан узвий боғлиқ. У йўл-йўлакай сайёҳларга бепарво бўлмай, чалғимай, бир дам ҳам хушёрликни йўқотмасдан юришни тушунтирарди.

— Ёшингиз нечада? — сўраймиз тоғбегидан.

— Олтмиш бешда.

Лекин унинг тоғ йўлларида илдам ҳаракатланиши ва қадди-қоматига қараб бунча ёш бермайсиз.

Юқоридан қуёш қиздирганда қияликлардаги ўнқир-чўнқир тош уюмлари ва тошлоқлардан ўтишимизга тўғри келди. Сўқмоқ бўйлаб юқорига кўтариларканмиз, катта-кичик шаршараларнинг анҳорларга бўлиниб кетишидан болаларча завқланамиз. Шарқираган сув товуши майса ва чечакларнинг хушбўй хиди билан уйғунлашиб, яшил оламнинг турфа хил мавжудотлари ҳайратимизни янада оширарди. Баъзида яккам-дуккам ёввойи олма, олча, дўлана ва пис-

та дарахтлари ҳам кўзга ташланиб қолади.

— Тўда бўлиб юрвчи тоғ эчкилари тонг маҳал ёки гира-шира тунда ўтлайди, — дея ҳикоясини бошлади тоғбеги. — Улар шох-шабба ва йирик буталар орасида ҳордиқ чиқаришганида шохдор эркак эчки тўдани кўриқлаб туради.

Тоғбегининг таъкидлашича, кузда эркак эчкиларнинг беҳаловат дамлари давом этиб, урғочиларини жалб қилиш ташвиши бошланади. Натижада, сардорлар бир-

Кушлар сайроғи тонг ёришиб келаётганини билдирарди. Тепамизда бургутлар оҳиста қанот қоқиб парвоз қилишарди. Бепоеён осмон — унинг макони. Биз яна тоғ эчкисини излаб

Тоғ эчкиси

бирига рақиб бўлиб, шохларини кўз-кўз қилишади ва ўзаро куч синашишади. Мағлублар бу кенгликлар торлик қилиб, чекинишга мажбур бўлади.

Тунда суҳбатимиз янада қўр олди. Бизни тоғ эчкиларининг яшаш тарзи, кўпайиши ва ўзаро муносабатлари кўпроқ қизиқтирарди. Улар жуфтлашганда кутилган дақиқалар яқинлашиб, беш ойлик ҳомиладорликдан сўнг янги авлодни дунёга келтириши, овқатини икки марта ҳазм қилиши, бўри, бургут ва узунтумшукли калхатлар кушандалари эканлигидан хабардор бўлдик.

Йўлга тушдик ва кўп ўтмай тўдага дуч келдик. Сардор бизни пайқаб, тўдани хавфдан огоҳ қилди. Унинг маъраши қояларга урилиб, аксадо берарди. Кейин тишлари орасидан хуштаксимон овоз чиқаргани эшитилди. Тўда бундай жиддий хабардан сўнг тинчини йўқотди.

Тоғбеги Расул амаки сардорнинг бошини безаб турган лирасимон шохларига қараб ёшини чамалади. Унга диққат билан разм соларканмиз мўйнаси тўкилиб, туллай бошлагани кўзга ташланиб турарди.

Беозор жониворлар оила-

си сардор огоҳлантирувидан сўнг жам бўлишиб, қаёққа қочишини билолмай жонсарақ бўлиб қолишди. Кейин тўс-тўполон бошланиб, шу қадар шиддат билан югуришдики, гўё оёқлари ерга тегмаётгандек эди. Энди улар хавфдан холи.

Тушлиқдан сўнг ўпирилмалар бўйлаб одимларканмиз митти жониворнинг заиф, узун-юлуқ маъраши эшитилди. Тепалиқда эса елини сутга тўлган она эчки тик ҳолда қотиб турарди. Унинг кичкинтойдан бошқа илин-

жардан олиб чиқилди. Она эчки эса биздан асло узоқлашмас, теварак-атрофга олазарқ боқарди. Боласини ерга қўйиб, дарҳол ўзимизни панага олдик. У норасидани искалаганича эмизишга тутинди. Кичкинтойнинг майин териси сарғиш-қизғиш, қорин қисми оқиш кўринишда бўлиб, ёрқин гавдаси қуёшда товланар, нигоҳлари жозибали эди. Мунчоқдек қоп-қора кўзларининг тағидан тоғзига қадар қора чизиқчалари бор эди. Кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшайди. Кўп ўтмай миттивойнинг танасига қувват кириб, онасининг ортидан эргашиди.

Чек-чегарасиз катта ҳудуд тоғ эчкилари учун беқарор ва қарли. Бу кенгликлар қанчалик бепоеён бўлмасин, шунчалик бешафқат ҳам. Айниқса, қаҳратон қиш ва қурғоқчилик йиллари уларнинг муаммоси кўпаяди. Кўчиш бошланиб, узоқ масофаларни кезишга тўғри келади. Озуқа илинжида тоғлардан пастга тушишга ҳам мажбур бўлади.

Тоғ эчкилари аллақачон «Қизил китоб»га киритилган бўлса-да, ҳимояга муҳтож. Бугунги авлод уларни фақат суратлардагина томоша қилишга мажбур. Беозор жониворлар учун тоғу тош ва кенг ўтлоқлар — яшаш тарзи, ҳаёт манбаи. Жониворларнинг эмин-эркин ва беҳавотир яшашлари кўпроқ инсониятга боғлиқ. Агар уларни узоқ-яқинда учратгудек бўлсак, халал бермай ўз ҳолига қўйишни ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Бу эса бизни она табиатга кўпроқ яқинлаштиради. Қолаверса, унинг ноёб бойликларини асраб-авайлаш эзгу ишларимиздан биридир.

Абдулла САЙДОВ

Касаба уюшма спорти

Жорий йилнинг 2-3 май кунлари Ўртачирчиқ туманидаги «Меҳр-жон» оромгоҳида Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши-нинг XII республика тармоқ спартакиадаси ҳамда XI тармоқ бадий жамоаларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Жисмоний ва маънавий кўрик

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Файз» холдинг компанияси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилган спартакиада ва кўрик-танловда барча вилоятлар вакиллари қизгин беллашди.

Икки кун мобайнида шахмат-шашка, югуриш, граната улоқтириш, узунликка сакраш, арқон

тортиш каби жисмоний баҳсларга уланиб кетган танлов, айниқса, марокли кечди. Таништирув, савол-жавоб ва бадий чиқишларни баҳолаш ҳакамларга осон бўлгани йўқ.

Кўрсаткичлар қандай бўлишидан қатъи назар, баҳсларда дўстлик ғалаба қозонди. Тарих, адабиёт, сиёсат ва касбга доир мураккаб саволларга берилган пухта жавоблар барчага манзур бўлди. Мутойибага йўрилган, шунинг баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили моҳиятини акс эттирган саҳна кўринишлари катта таассурот қолдирди.

Шундай қилиб, спартакиада бўйича умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Наманган вилояти учинчи ўринни эгаллади. Кўрик-танловда олий ўрин Фарғона, биринчи ўрин Хоразм, иккита иккинчилик Андижон ва Тошкент вилояти, учинчиликлар Қашқадарё, Самарқанд ва Бухоро жамоаларига насиб этди.

Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Техник спорт

Қарши шаҳрида авторалли бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада республиканинг турли вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 19 экипаж иштирок этди.



Воҳада кучлилар беллашди

Моҳир ҳайдовчи ва штурманлар Қашқа воҳаси кенгликларидан 176 километрлик масофани босиб ўтишди, шундан 94 километрлик ҳудуд тезкор масофадир.

Мутлақ чемпионлик учун ўтган баҳслар якунида пойтахтлик Ростислав Беляков ҳамда Шухрат Хотамқулов экипажи маррани биринчи бўлиб кесиб ўтган бўлса, қашқадарёлик Баҳодир Кенжаев ва Азиз Алижонов жуфтлиги фахрли иккинчи ўриндан жой олди. Тошкент вилояти вакиллари Антон Туманов ҳамда Антон Антоненко эса учинчи бўлишди.

— Чемпионатни юқори савияда ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлигининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, муайян ишлар олиб борилди, — деди Мудфоага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Бобур Яздов. — Вилоят ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қашқадарё «Автотеххизмат» очиқ акциядорлик жамияти каби ҳамкор ташкилотларимиздан миннатдоримиз. Бу эътиборни спортчиларимиз ҳам муносиб ғалабалари билан оқлашди.

Сўнгги йилларда Республика техник ва амалий спорт турлари Маркази мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларида йирик мусобақалар ўтказишни йўлга қўймоқда ҳамда бу билан ёшлар ўртасида мардлик ва баркамоллик рамзи бўлган техник ва амалий спорт турлари анча оммалашмоқда. Республика бўйича шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам шундан.

Сурхондарёнинг Термиз шаҳрида эса олимпия спорт турлари қаторидан ўрин олган триатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати ташкил этилди. Унда воҳа триатлончилари умумжамоа ҳисобида Самарқанд ҳамда мезбонлар жамоасидан сўнг учинчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, Муборак шаҳрида картинг бўйича болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасида вилоят чемпионати ўтказилиб, энг яхши спортчилар саралаб олинди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши-нинг Бухоро вилояти вакиллиги ташаббуси билан тармоқ жамоалари ўртасида аёллар спартакиадаси ўтказилди.

Аёллар спартакиадаси

Унда мазкур тармоқ корхона, ташкилот ҳамда муассасаларида меҳнат қилаётган аёллар спортнинг олтита тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Спартакиада якунида Қоровулбозор туман вакиллиги жамоаси (волейбол), ОАТБ «Агробанк»-нинг вилоят бошқармаси (стритбол, стол тенниси), Бухоро туман вакиллиги (енгил атлетика ва шашка), Когон туман вакиллиги (шахмат) аъзолари шохсупадан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида ОАТБ «Агробанк»-нинг вилоят бошқармаси жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Бухоро солиқ коллежи ҳамда Қоровулбозор туман вакиллиги жамоаларига насиб этди.

Ғолибларга фахрий ёрлик, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Иззатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Шаҳар босқичи якунланди

Куни кеча Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Текстильчи» стадионида спортнинг бир қанча тури бўйича спартакиада бўлиб ўтди.

Мини футбол бўйича биринчи ўрин «Тошшаҳар-йўлқурилиштаъмирлаш» трести акциядорлик жамияти, иккинчи ўрин «Тошиссиқлик маркази» акциядорлик жамияти, учинчи ўрин эса «Файз» ХК жамоаларига насиб этди. Спартакиаданинг енгил ат-

летика тури бўйича аёллар орасида ободонлаштириш бош бошқармаси ишчиси М.Никифорова 1-, «Тошиссиқлик маркази» ишчиси И.Исаева 2-, «Ташкач текстиль» КК ишчиси Н.Кенгашева учинчи ўринни қўлга киритди. Эраклар орасида «Сувсоз» ДУК

ишчиси Р.Мухсиновга тенг келадигани топилмади. Е.Колозинов ва «Тошиссиқлик маркази» ишчиси Д.Муратов 2-ва 3-ўринларни банд этишди.

Ғолиблар эсдалик совғалари, медаллар ва дипломлар билан тақдирландилар.

А. САФАЕВ



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тўрақўрғон туман бирлашган кўмитаси ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган «Соғлом она — соғлом бола» тармоқ спартакиадаси аёллар учун ўзига хос байрам бўлди, дейиш мумкин.

Соғлом она — соғлом бола

Спартакиаданинг тантанали очилиш маросимида 36-болалар ва ўсмирлар бадий гимнастика мактаби қизлари ҳамда «Азамат-Карим» каратэ клуби қатнашчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Тумандаги 59 та таълим муассасасидан ўн икки ҳудудга бўлинган ҳолда шаклланданган жамоалар спортнинг етти тури бўйича беллашувга киришишди.

— Нимагаки эришган бўлсак, узоқ тайёргарлик самараси, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси раиси Козимжон Мирзахмедов. — Ҳар бир бошланғичда аъзоларнинг спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит бор. Ниятимиз — ҳар бир ходим бўш вақтини кўнгилли ўтказсин. Қолаверса, аёл келажак давомчиларини дунёга келтирар экан, ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан саломат бўлиши шарт.

Очқолар ҳисоби бўйича спартакиада ғолиби бўлиш «Аҳси» жамоасига насиб этди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ҳамда маҳсус дипломлар топширилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири.
Равшанжон ҚОСИМОВ
олган сурат



Ўзбекистон мутлақо ҳақли равишда минтақада сувдан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласини ўртага қўймоқда

Ўрта Осиё минтақасида сувдан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи халқаро илмий-академик доиралар ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, таникли француз сиёсатшуноси, «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори Жак Барранинг «Ақл-идрокни йўқотмаслик лозим: Ўрта Осиёдаги сув ва гидроэлектроэнергия муаммолари тўғрисида» сарлавхали қуйидаги мақоласи кенг ўқувчилар оммасида катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Японияда цунами юзага келишига сабаб бўлган мисли кўрилмаган даражадаги кучли зилзила билан боғлиқ дахшатли табиий офат жаҳоннинг айрим мамлакатлари сиёсий етакчиларига инсон яратган ҳар қандай мўъжиза табиий офат олдида ожиз эканлигини англаб етиш зарурлигини гўё яна бир бор эслатди. Инсон табиатнинг ҳар қандай офатидан устун келишга қодир, деган фикрни мафкура нима қилиб бўлса ҳам илгари сурган замонлар ортда қолди. Баски, ўртада инсон ҳаёти, унинг хавфсизлиги масаласи турар экан, «улкан лойиҳалар» ёки «XX аср материалистик телбалигининг буюк ютуқлари» бундан буён алоҳида эҳтиёткорлик билан кўриб чиқишли даркор.

Дарҳақиқат, БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳам эслатиб ўтганидек, жаҳондаги ҳеч бир мамлакат табиатнинг бало ва офатларидан тўлиқ ҳимояланмаган. Пан Ги Мун келтирган рақамларга қараганда, биргина ўтган 2010 йилда табиий офатлар оқибатида дунёда 250 минг киши ҳалок бўлган.

Бу қанчалик қайғули бўлмасин, ана шундай дахшатли шароитда, Ўрта Осиёда сувдан фойдаланиш ва гидроэлектроэнергетика масалаларига дахлдор муаммолар яна фавқуллодда долзарблик касб этмоқда ва алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик, иқтисодий ва демографик ҳалокатларнинг оқибатлари хусусида ўз ташвишини билдирар экан, мутлақо ҳақли равишда минтақанинг бошқа давлатлари олдида Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласини қўймоқда.

Ҳақиқатан ҳам минтақанинг 60 миллиондан зиёд аҳолиси асосан Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида жамланган сув билан таъминланишини таъкидлаш лозим.

Аёнки, мазкур дарёларда сув сатҳи пасаядиган бўлса, бу атроф-муҳитга ва инсонлар ҳаётига жуда катта зарар етказиши мумкин. Шу боис минтақада гидроиншоотлар қуриш ва сувдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга доир барча масалалар мазкур дарёларнинг трансчегаравий хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бунда Ўзбекистон сув ресурсларининг катта қисми мамлакатдан ташқарида, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида шаклланишини унутмаслик муҳим.

Бу муаммо юзасидан БМТ томонидан билдирилаётган ташвиш, халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормалари, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкнинг мазкур масалага кон-

структив ёндашуви томонлар пировардида минтақанинг бирор-бир мамлакатидан тўғон ва гидроэлектростанциялар барпо этишга оид лойиҳалар Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларининг ҳаётий зарур манфаатларига зиён етказмаслигини кафолатловчи асосли қонуний қарор қабул қилишига умид уйғотади.

Ўзбекистоннинг мазкур масаладаги позицияси қонунийдир. Бу позиция сув ҳамда энергия ресурсларининг адолатли баланси таъминланишига хизмат қиладиган чоратadbирлар қабул қилишни кўзда тутади. Бундай оқилона ёндашуви қўллаб-қувватлаш лозим, чунки фақат шу йўл орқали табиий шароитлар билан боғлиқ хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этиш мумкин. Сувга товар сифатида қараётган айрим давлатлар эса қаттиқ адашади ва улар халқаро ҳамжамият томонидан қораланиши шарт.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тожикистон Республикаси ҳуқуқатининг Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши бўйича лойиҳаси нафақат проблематик, балки эмблематик хусусият ҳам касб этаётганини таъкидлаш зарур.

Масаланинг проблематиклиги шундаки, совет даврида бундан 40 йил бурун ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа, дарҳақиқат, катта хавф туғдира-

ди. Аввало, бу лойиҳанинг амалга оширилиши Амударё сув оқимида, шундоқ ҳам ёндош ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги сув танқислиги ва континентал иқлимдан катта зарар кўраётган бир шароитда, уларга янада фожиали таъсир кўрсатади. Оқибатда минтақанинг Орол денгизи қуриши таъсирида кучли инқирозга учраган ва заифлашган бутун экологик мувозанати янада катта ҳалокатларга дучор бўлиши мумкин.

Ва, ниҳоят, Роғун ГЭСини кучли ва такрорий ер силкинишлари кўп содир бўладиган жойда қуриш режалаштирилаётгани ҳам яхши маълум. Ушбу ҳудудда сейсмик фаоллик кучайгудек бўлса, иқтисодийта қанчалик катта зарар етишини, аввало, қўллаб одамлар ҳаёти хавф остида қолишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу омилларни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, Роғун ГЭСи қурилиши ўз жониға қасд қилишдан бошқа нарса эмас. Японияда яқинда содир бўлган табиий офат бунга яққол мисолдир.

Муаммонинг эмблематик хусусияти шундаки, йирик халқаро ташкилотларнинг етакчи экспертлари Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан ўз ташвишини билдирмоқда. Молиявий жиҳатдан манфаатдор бўлишига қарамай, Фарб мамлакатларининг қўллаб-қувватловчи компаниялари экспертлари мазкур лойиҳа хавфли эканини таъкидлаганини ҳам қайд этиш жоиз.

Қўллаб-қувватловчи фалокатлар оқибатида тегишли компанияларнинг сайёрамизни асраб-авайлаш ўрнига, уни талон-тарож қилиш ва вайронага айлантиришга сабаб бўла-

ётгани очилиб қолаётган ҳозирги пайтда халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳамжиҳат бўлиб, Ўрта Осиёдаги барча мамлакатлар учун катта зарар ва хавф келтирадиган мазкур лойиҳани қоралаши лозим. Ҳаёт учун энг зарур манба бўлган сувга ўз қўшилариға зарар етказиш ҳисобидан хўжайинлик қилишга ҳеч бир мамлакатнинг ҳаққи йўқ. Ҳеч бир мамлакатнинг турли баҳоналар билан улкан, хавфлилиги аниқ-равшан бўлиб турган қандайдир иншоотларни қуришга ва табиатнинг қўрилмаган инжиқликларини ва олдидан айтиб бўлмайдиган ҳолатлар нуқтаи назаридан ўз аҳолиси ҳамда қўшни давлатлар халқини таҳдид остида қолдиришга ҳаққи йўқ.

Кўриниб турибдики, бу масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ўрта Осиёда йирик гидроэлектростанцияларни барпо этишга доир лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ёки улардан умуман воз кечиш лозим. Сабаби, бу лойиҳалар бир томондан совет мафкурасининг чуқур ўйламасдан қабул қилган қарорларининг натижаси бўлса, бошқа жиҳатдан фойда кетидан қувшининг навбатдаги манбаидир. Бу ўринда ҳеч нарса бутун минтақани экологик ҳалокат ёқасига келтириб қўйишини оқлаш учун сабаб бўлмайди. Бошқача айтганда, айрим давлатларнинг қандай қилиб бўлмасин ўз «эҳтиёжини» қондириш мақсадида ўн миллионлаб одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу масалада узоқни кўзлаб иш тутиш ва сиёсий оқилмик тантана қилишига ишонгимиз келади.

«Жаҳон» АА



Германияда саноат кўламидаги денгиз шамол электрогенераторлари парки ишга туширилди. Болтиқ денгизиде жойлашган «ЕнВW» энергетика концернига тегишли бу парк баландиғи 160, паррагининг диаметри 93 метр бўлган 21 дона шамол генераторидан иборатдир.

Болтиқ денгизидеги электр парки

«Болтиқ — 1» деб номланган ушбу лойиҳа соҳилдан 16 километр ичкарида бўлиб, маълумотларга қараганда, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 185 гигаватт-соатни ташкил қилади. Паркнинг тантанали очилиш маросимида Германия канцлери Ангела Меркел, «ЕнВW» концерни маъмурияти вакиллари, тадбиркорлар ва бошқа жамоат вакиллари иштирок этишди.

Хабар қилинишича, «ЕнВW» концерни яна бир шамол электрогенераторлари паркни ишга туширишни режалаштирмоқда. «Болтиқ — 2» деб номланувчи ушбу парк кўлами жиҳатидан аввалгисидан йирикроқ бўлиб, у Рюген ороли соҳилдан 32 километр ичкарида қурилади. Ҳар иккала лойиҳанинг умумий қўямати 1,2 миллиард евро деб баҳоланмоқда.

Марихуаначи кампиршолар

АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан-Бруно шаҳарчасида икки нафар ёши бир жойға бориб қолган аёл қамоққа олинди. Маҳаллий прокуратура «марихуаначи кампиршолар» деб ном берган бу аёллар жиноий мақсадда марихуана етиштиришда айбланмоқда. 72 ёшли Элин Лэм ва унинг Вирджиния Чен Пон исмли «ҳамкори»

29 апрел куни қўлга олинган. Қизиғи шундаки, яширин марихуана лабораторияси тасодифан аниқланган: жиноят жойиға полициячилар ўғирлик содир этилгани ҳақидаги хабар туфайли етиб келишган эди. Уйға яқин ердан икки шубҳали шахс қўлга олинган, тинтув пайтида улардан 1000 АҚШ доллари ва марихуана ўстиришда ишлатиладиган буюмлар топилган. Шундан кей-

ин полициячилар аёллардан гумон қилиб, уйни ҳам тинтишган.

Натижада, уйдан 800 туп марихуана ўсимлиги ва электр қувватидан яширинча фойдаланиш имконини берувчи қурилма топилган. 2 май куни айбланувчилар суд қилинди, аммо улар айбларини тан олишмади. Кейинги суд жараёни 13 май кунига белгиланди. Ҳозир ҳар иккала кампиршо ҳибсда сақланмоқда.

XIX асрда яшаб ўтган машҳур рассом ва ҳайкалтарош Пол Гогеннинг «Таитлик ёш қиз» асари куни кеча Нью-Йоркдаги аукционда 11,3 миллион долларга сотилди.

11,3 миллион

долларлик ҳайкалча

Ушбу нодир асар ёғочдан ясалган бўлиб, маржонлар ва денгиз чиғаноқлари билан безатилган. Ривоятларга қараганда, бу безакларни муаллиф Таитида яшаганда ўз қўли билан йиққан экан. Ҳайкалчанинг ўзи эса таитиликлар эътиқодига кўра муқаддас ҳисобланадиган «таману» дарахтидан ясалган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бўйи 25 сантиметр бўлган бу ҳайкалча мусаввир-импрессионистнинг ягона тугалланган, уч ўлчамли асаридир.

Гоген 1894 йилда саёҳатдан қайтган, ушбу асарини дўстининг Жанне Фурне исмли қизига совға қилган.



Безориаларға қарши кураш

Эстонияда «Eesti Raudtee» транспорт компанияси темирйўл тармоқларидаги электр ускуналари ва бошқа буюмларни ўғирловчи шахслар ҳақидаги маълумот учун мукофот эълон қилди.

Ўғирлар ва безориалар ҳақидаги ҳар қандай маълумот учун фуқароларға 1,5 минг евро ваъда қилинмоқда.

Темирйўллардаги ўғирлик ва безорилик ҳолатлари мамлакатнинг Кейл шаҳри атрофида юз бермоқда. Кейинги икки ҳафта давомида бу ҳудудда кўп марта платформалардаги электр қурилмалар ва трансформаторлар бузилган.

Маълум бўлишича, 2010 йилда ҳам мукофот эълон қилиш усули билан жиноятчилар қўлга туширилган.

Бугунги
ёшлар

Ота-она фарзанд туғилганда муносиб исм қўйиш учун аксарият ҳолларда кексалардан маслаҳат сўрайди, баъзан қадимий, тарихий китобларни варақлаб, исмларнинг маъноси, изоҳини ахтаради. Чунки исм ҳам кўп маънони билдиради. Камола Ҳайдаровага ҳам бувиси Умринисо ая тўнғич неварам улғайиб, камолга етсин, истеъдодли бўлсин, дея шу исмни қўйганида, шундай эзгу ниятларни дилига туккан бўлса не ажаб. Мана, буви, ота-она орзуси ушалиб, қизлари камолга етиб, ноёб иқтидор соҳибаси бўлди.

Камоланинг Камоли

Бундан икки йил муқаддам вилоят халқ ижодиёти илмий методик маркази раҳбари Абдурахим Султонов, вилоятимиздан янги истеъдод эгаси чикди, республикамизда ilk марта ўтказилган куллар миллий республика кўрғазмасида боёвтулик Камола исмли қиз ўзи лойдан ясаган ҳайкалча билан иштирок этиб, барчани ҳайратга солди, мутахассислар унинг ишлари га алоҳида эътибор қаратишди, деган хушxabарни айтганди. Ушанда Камола кўрғазманинг «Бадий савиядаги ишлари учун» махсус дипломини қўлга киритиб қайтди. Шунингдек, у республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Камола кўрғазма иштирокчилари орасидаги ягона ҳайкалтарош, кулол қиз эди. Уша кўрғазма Камоланинг ижодида бурилиш ясади.

Қахрамонимиз биринчи устози — мактабдаги тасвирий санъат фани ўқитувчиси Рашид Бурхоновдан жуда миннатдор. Чунки қўлидаги қалам (у расм чишида ҳам барчага ибрат эди) ва оддий лой орқали санъат асарлари яратиш мумкинлигига ана шу устози туфайли ишонган ва буни амалда кўрсата билганди. Дарвоқе, 2005-2006 йиллари туманда ўтказилган иқтидорли болалар кўрик-танловларида биринчи ўринни эгаллаб, ёш ҳайкал-

тарош, деган ном олганди. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Анорқул Бой-

ўтказилган «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, «Камолот» ЁИХ

Марказий кенгашининг дипломи билан тақдирланди. Ушанда унинг кўрғазмасини кўздан кечирар эканмиз, бундан бир йил олдинги лойдан ясалган жўн ишлари ўрнини энди гипсдан дид ва меҳр билан ясалган санъат

асарлари эгаллаганини кўрдик. Улар орасида, айниқса, Алишер Навоий, Амир Темур каби буюк боболаримиз сиймоси, шунингдек,

беков ва бошқарасомлар ҳамда вилоятимизда халқ амалий санъати бўйича ижод қилган ижодкорлардан маслаҳат ва йўл-йўриқлар олган Камола

«Ўзбекистон маданияти ва санъати» жамғармаси томонидан ўтказилган «Келажак овози» танловининг вилоят босқичида биринчи ўрин соҳибаси бўлди ва республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Шу тарих ҳайкалтарош қизга омад кулиб боқиб, ютуқлар мунчоқдек бирин-кетин тизилаверди. У қизнинг ижодий муҳитда бўлиш учун Гулистон шаҳрига келди, шаҳар ўқувчилар ижодиёти уйи қошидаги амалий санъат тўрагида ҳайкалтарошлик, кулолчиликка ҳавасманд болалар билан шуғуллана бошлади.

У Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан

асарлари эгаллаганини кўрдик. Улар орасида, айниқса, Алишер Навоий, Амир Темур каби буюк боболаримиз сиймоси, шунингдек,

асарлари эгаллаганини кўрдик. Улар орасида, айниқса, Алишер Навоий, Амир Темур каби буюк боболаримиз сиймоси, шунингдек,

миллий қадрият, анъаналар акс этган композициялар ўзига хос бетакрорлиги билан кўзга ташланиб турарди.

Камола Камолиддин Беҳзод номидаги республика миллий рассомчилик ва дизайн институтининг амалий санъат факултетига грант асосида қабул қилинди. Бу ҳақда



Чотқол кўрикхонасининг хушманзара доирасида жойлашган

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи

«КОНСТРУКТОР»

2011 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменада ташкил этилиб, ҳар бир смена 15 кундан иборат.

Мавсумнинг бошланиши — 14.06.2011 й. Йўлланманинг баҳоси 230 минг сўм Қийматига 5 мартали овқатланиш, тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлар киради. Йўлланмаларни улгуржигга олувчиларга чегирма билан сотилади.

Манзил: Олмазор тумани, Галаба-1
Тел. 248-15-01; 248-10-03



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда кенгаш тизимидаги туман бирлашган кўмиталари жамоалари Ҳамза туман тармоқ бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Васила МАЛИКХОДЖАЕВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг ташкилий, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси Учқун Жабборовга отаси

Саидмурод ЖАББОРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдardлик билдиради.



oliy baxt

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят муҳбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Наманган + 99897 491 79 27;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.

E-mail: ishonch 2011@gmail.com

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ISSN 2010-5002



Навбатчи муҳаррир:

Ж. Шарофбоев

Навбатчи:

Ш. Абдусаматов

Мусахҳиҳ:

Н. Махамов

Саҳифаловчи-дизайнер:

Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти -21.00
Топширилди - 22.00

Буюртма Г— 551

Тиражи: 20225

1 3 4 5